Следующим важным этапом развития институциональной инфраструктуры республики послужило создание в 2000 году в качестве дочернего предприятия Ассоциации банков Узбекистана «Кредитно-информационного бюро»[10] (сейчас – Кредитное бюро «Кредитно-информационный аналитический центр»). Кредитное бюро – это организация, в которой хранится информация об исполнении заемщиков своих обязательств по кредитам, т.е. кредитная история. Деятельность такой организации является неотъемлемой частью экономики, ведь анализ кредитных историй позволяет банку выдать заемные средства с меньшим риском, что, в свою очередь, ускоряет и облегчает процесс принятия решения о выдаче кредита. В 2004 году с одобрения Правительства, кредитное бюро приняло в состав учредителей 4 крупных банка республики и продолжило свою деятельность как ООО «Межбанковское кредитное бюро». После принятия 4 октября 2011 года Закона Республики Узбекистан «Об обмене кредитной информации», в состав учредителей бюро вместе с Ассоциацией банков Узбекистана вошли все коммерческие банки Узбекистана и в 2012 году Межбанковское кредитное бюро продолжило свою деятельность как Кредитно-информационный аналитический центр[11].

В настоящее время Кредитно-информационный аналитический центр является кредитным бюро, основная цель работы которого – обеспечение прозрачности в отношениях между кредитором и заемщиком, а также содействие в формировании безопасного бизнеса. В частности, направлениями деятельности Кредитного бюро являются:

- формирование базы данных и проведение анализа информации о субъектах кредитной информации;
- оказание услуг по предоставлению сведений о кредитной истории субъектов кредитной информации ее пользователям;
- предоставление консультационных и иных услуг пользователям кредитной информации в целях оказания им содействия в оценке платежеспособности, кредитоспособности и платежной дисциплины субъектов кредитной информации.

Созданная Кредитным бюро автоматизированная система обмена кредитной информацией (АСОКИ) объединяет все коммерческие банки, микрокредитные организации и ломбарды республики (более 110 организаций). По состоянию на 1 января 2019 года в базе данных кредитного бюро имеется кредитная информация о более чем 9 135 тыс. физических лиц, а также 685,6 тыс. юридических лиц.

Говоря о роли Ассоциации банков Узбекистана в развитии банковской системы, нельзя не упомянуть об уча-

[10] *Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 06.07.2000 г. №258 было принято решение о создании Кредитно-информационного бюро по предложению Ассоциации банков Узбекистана и коммерческих банков.*

[11] *Официальный сайт ООО «Кредитное бюро «Кредитно-информационный аналитический центр» (http://infokredit.uz/).*

стии этой организации в реализации Антикризизной программы на 2009–2012 годы. Как известно, в период мирового финансового кризиса 2008–2009 гг. снижение объема глобальных финансовых потоков привело к проблеме недостаточности ресурсной базы банковских систем многих развивающихся стран, необходимой для активной инвестиционной деятельности. Банковская система Узбекистана смогла избежать данной проблемы вследствие проведения политики по повышению роли внутренних источников. Этому, в том числе, способствовали меры по предоставлению дополнительных государственных гарантий по возврату вкладов физических лиц, в чем, как отмечалось выше, участвовала Ассоциация банков Узбекистана. Гарантии по вкладам граждан содействовали сохранению долгосрочной ресурсной базы банков и укреплению доверия населения к банковской системе.

Как известно, в период мирового финансового кризиса коммерческими банками страны проводилась работа по финансовому оздоровлению низкорентабельных, экономически несостоятельных предприятий. Данная форма инвестиционной деятельности коммерческих банков не использовалась в мировой банковской практике. В этой связи Центральному банку Республики Узбекистан совместно с Ассоциацией банков Узбекистана и коммерческими банками было поручено провести комплекс мер, включающий:

- совершенствование в коммерческих банках деятельности по разработке, экспертизе и реализации инвестиционных проектов по модернизации, техническому и технологическому перевооружению производства на выкупленных предприятиях-банкротах;
- укомплектование высококвалифицированными специалистами структурных подразделений коммерческих банков, занимающихся вопросами проектного инвестирования, предоставлением и обслуживанием инвестиционных кредитов[12].

*Ассоциация банков Узбекистана как организация, стремящаяся обеспечить баланс между органами госуправления, бизнесом и банками, активно участвует в работе по сокращению вмешательства государственных и контролирующих органов в финансово-хозяйственную деятельность предприятий и существенному расширению экономических свобод и прав субъектов предпринимательства.*

Ассоциация банков Узбекистана, как организация, стремящаяся обеспечить баланс между органами госуправления, бизнесом и банками, активно участвует в работе по сокращению вмешательства государственных и контролирующих органов в финансово-хозяйственную деятельность предприятий и существенному расширению экономических свобод и прав субъектов предпринимательства.

Так, в рамках Программы «Год малого бизнеса и частного предпринимательства» в 2011 г. при Ассоциации банков Узбекистана был создан Фонд финансирования подготовки проектной документации по инвестиционным проектам[13]. Главной задачей Фонда являлась поддержка и продвижение к дальнейшей реализации перспективных проектных идей субъектов малого бизне-

*[12] Указ Президента Республики Узбекистан от 18 ноября 2008 г., №УП-4053 «О мерах по дальнейшему повышению финансовой устойчивости предприятий реального сектора экономики».*

*[13] Постановление Президента Республики Узбекистан от 26 ноября 2010 г. №ПП-1438 «О приоритетных направлениях дальнейшего реформирования и повышения устойчивости финансово-банковской системы республики в 2011–2015 годах и достижения высоких международных рейтинговых показателей»;*

*Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан 16.06.2011 г. №175 «О создании фонда финансирования подготовки проектной документации по инвестиционным проектам при Ассоциации банков Узбекистана».*

*В 2011 году при участии Ассоциации банков Узбекистана был создан Гарантийный фонд развития малого предпринимательства. Среди целей фонда – укрепление правовых механизмов защиты и гарантий деятельности частного предпринимательства, внедрение новых инструментов их государственной поддержки, расширение доступа субъектов предпринимательства к кредитным ресурсам, стимулирование создания новых рабочих мест и дальнейшее совершенствование деятельности финансово-банковской системы республики.*

са и частного предпринимательства, а также организация и привлечение финансирования коммерческих банков. Для этого Фонд осуществлял конкурсный отбор проектных идей на предмет возможности их финансирования за счет кредитных средств коммерческих банков, а также финансирование разработки их проектной документации (бизнес-план, ТЭО[14]). Благодаря этому, для малого и частного бизнеса ускорялась процедура рассмотрения проекта коммерческими банками, экономились средства на разработку проектной документации и повышалась возможность положительного рассмотрения проектов на предмет финансирования[15].

Кроме того, были приняты предложения Ассоциации банков Узбекистана по дальнейшему повышению открытости и либерализации банковской деятельности в отношении субъектов предпринимательства, предусматривающие:

- ограничение не более тремя банковскими днями срока рассмотрения коммерческими банками заявок субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства на предоставление кредитов в согласованных объемах;
- приравнивание к первичным бухгалтерским документам чеков платежных терминалов при оплате с использованием корпоративных пластиковых карт товаров (работ, услуг), приобретаемых хозяйствующими субъектами в сфере торговли и сервиса;
- предоставление права субъектам малого бизнеса и частного предпринимательства производить самостоятельную сдачу в учреждения банков наличной денежной выручки[16].

В 2011 году при участии Ассоциации банков Узбекистана был создан Гарантийный фонд развития малого предпринимательства. Как известно, малый бизнес и частное предпринимательство, особенно в начале своей деятельности, при обращении за кредитными ресурсами в банки, часто сталкивается с вопросом предоставления необходимого залогового обеспечения по кредитам. Как свидетельствует международный опыт, данный вопрос можно решить с помощью усовершенствования гарантийного механизма поддержки малого бизнеса, который базируется на специальных фондах, предоставляющих обеспечение по кредитам малому бизнесу, как правило, в форме выдачи гарантии (поручительства). Далее, с учетом накопленного опыта деятельности Гарантийного фонда, в 2017 году был создан Государственный фонд поддержки развития предпринимательской деятельности[17]. Среди целей фонда – укрепление право-

---

*[14] ТЭО–Технико-экономическое обоснование.*

*[15] Маматов Ш. Фонд финансирования подготовки проектной документации: надежное партнерство для развития малого бизнеса (http://bpk.uz/finance).*

*[16] Указ Президента Республики Узбекистан от 24 августа 2011 г. №4354 «О дополнительных мерах по формированию максимально благоприятной деловой среды для дальнейшего развития малого бизнеса и частного предпринимательства».*

*[17] Постановление Президента Республики Узбекистан от 17 августа 2017 года №ПП-3225 «О создании Государственного фонда поддержки развития предпринимательской деятельности».*



вых механизмов защиты и гарантий деятельности частного предпринимательства, внедрение новых инструментов их государственной поддержки, расширение доступа субъектов предпринимательства к кредитным ресурсам, стимулирование создания новых рабочих мест и дальнейшее совершенствование деятельности финансово-банковской системы республики.

Говоря о формировании внутренней институциональной среды в Узбекистане, необходимо отметить, что в 2015 году Ассоциация банков Узбекистана представила Кодекс профессиональной этики банкира, цель которого – укрепление делового сотрудничества и создание условий для добросовестной конкуренции в банковском сообществе[18]. Как известно, наряду с развитием корпоративного управления, важная роль отводится и корпоративной культуре и этике, что необходимо для повышения доверия общества к банкам и укрепления их авторитета.

Следование положениям Кодекса должно стать гарантией профессионализма банковских работников, их надежности и соответствия деятельности национальному законодательству, а также общепринятым морально-этическим нормам.

Документом определены принципы, на которых должны осуществлять свою деятельность банки Узбекистана. Среди таких принципов, например, установление полноты ответственности за качество и результаты своей трудовой деятельности, уважение прав и соблюдение законных интересов клиентов банков, в том числе субъектов малого бизнеса и частного предпринимательства. Отмечается, что сотрудникам банка следует проявлять доброжелательность и внимательность к клиентам. Кроме того, банки должны укреплять межбанковское сотрудничество, соблюдать взятые на себя обязательства, следовать честной конкуренции. Кодекс закрепляет обязательства банка перед своими акционерами: не допускать ущемления их прав, обеспечивать реальное участие в деятельности банка, добиваться прозрачности в работе органов управления банком и др. Сотрудникам банков следует хранить банковскую и коммерческую тайну. Также документом охватываются положения о

*В 2015 году Ассоциация банков Узбекистана представила Кодекс профессиональной этики банкира, цель которого – укрепление делового сотрудничества и создание условий для добросовестной конкуренции в банковском сообществе.*

[18] Официальный сайт Ассоциации банков Узбекистана (https://uba.uz/ru/info/code-banker/).

*Ассоциацией банков Узбекистана ежегодно организовываются выставки BankExpo, где демонстрируются и обсуждаются последние достижения в банковской сфере Узбекистана, происходит обмен передовым опытом и технологиями, а также рассматриваются пути внедрения IT-решений в задачи финансовых и банковских учреждений.*

корпоративном поведении, служебной и внеслужебной этике, деловом этикете.

Важно еще раз отметить, что Ассоциация банков Узбекистана проводит регулярные практические семинары и международные научные конференции по таким актуальным для банковского сектора вопросам, как повышение качества корпоративного управления, оценка процедур пруденциального надзора, оценки кредитных рисков и т.д. Помимо этого, Ассоциацией банков Узбекистана ежегодно организовываются выставки BankExpo, где демонстрируются и обсуждаются последние достижения в банковской сфере Узбекистана, происходит обмен передовым опытом и технологиями, а также рассматриваются пути внедрения IT-решений в задачи финансовых и банковских учреждений.



Говоря о дальнейших перспективах деятельности Ассоциации банков Узбекистана необходимо отметить, что Ассоциация банков Узбекистана принимает участие в разработке комплекса мероприятий, предусмотренных Постановлением Президента Республики Узбекистан от 23 марта 2018 года №ПП-3620 «О дополнительных мерах по повышению доступности банковских услуг».

В частности, в данном Постановлении Ассоциации банков Узбекистана было рекомендовано разработать и реализовать комплекс мероприятий, направленных на усиление ее роли в повышении доступности банковских услуг и совершенствовании банковской деятельности, в том числе:

- утверждение Концепции дальнейшего повышения эффективности деятельности



Ассоциации банков Узбекистана;

- повышение профессионального уровня сотрудников банковской системы, организацию обмена опытом с зарубежными банками исходя из передовой международной практики;
- реализацию совместно с органами государственной власти на местах и привлечением иностранных специалистов мероприятий по повышению финансовой грамотности населения;
- проведение тематических исследований, в том числе по актуальным проблемам доступности банковских услуг, изучение международного опыта и разработку предложений по его применению на рынке банковских услуг республики, организацию информационно-аналитических и консалтинговых услуг для банков и их клиентов;
- продвижение инициатив по реализации на практике современных и передовых видов банковских услуг, способствующих развитию дистанционного банковского обслуживания, внедрение новых информационных технологий;
- изучение передовой зарубежной банковской деятельности в целях определения новых видов банковских услуг, продуктов и их последующего внедрения в банках республики.

В частности, для реализации этих мер Ассоциацией банков Узбекистана осуществляются мероприятия по созданию единой межбанковской системы идентификации и маркетплейса банковских услуг[19].

Единая межбанковская система идентификации позволит наладить обмен информацией между банками, что позволит сократить финансовые ресурсы, затрачиваемые каждым банком, а также оптимизировать работу банковского сотрудника. При предоставлении определенных финансовых услуг не будет необходимости в первичной идентификации, когда клиент должен лично явиться в офис банка, чтобы внести в базу свои данные. Идентификация пользователя будет проходить при помощи биометрических данных: отпечатка пальца или по чертам лица. В этой же системе планируется предоставить населению возможность пользоваться банковскими услугам удаленно.

Ассоциация банков также планирует запустить маркетплейс, который






[19] *Ассоциация банков анонсировала разработку маркетплейса. 26 февраля 2020 г. (https://www.spot.uz/ru/2020/02/26/market-place/).*



объединит информацию о банках, их филиалах, имеющихся банкоматах и продуктах. Ожидается, что он будет работать в онлайн и оффлайн режимах и будет доступен не только местному населению, но и иностранцам, посещающим Узбекистан. Несмотря на то, что у каждого банка есть свое мобильное приложение, для удобства населения данная система будет объединять все приложения на единой площадке маркетплейс. Так, в одном приложении можно будет воспользоваться услугами нескольких банков одновременно. Маркетплейс будет не просто информационным ресурсом, а площадкой, на которой непосредственно будет предоставляться определенное количество банковских услуг. Например, некоторые виды кредитования, обмен валюты и др. Это, по мнению специалистов Ассоциации банков Узбекистана, создаст здоровую конкуренцию между финансовыми учреждениями.

Таким образом, в настоящее время Ассоциацией банков создана современная банковская инфраструктура, включающая ряд компаний, способных предоставить полный спектр качественно новых услуг на финансовом рынке. В новых условиях неопределенности, в т.ч. из-за пандемии коронавируса, перед Ассоциацией банков Узбекистана возникают новые задачи, и как сторонник банковских инноваций, Ассоциация будет и дальше стремиться содействовать повышению значения инструментов цифрового банкинга, цифровых технологий, а также внедрять новые технологии удаленного обслуживания клиентов.

## ABSTRACTS

### 25th ANNIVERSARY OF THE ASSOCIATION OF BANKS OF UZBEKISTAN: CONTRIBUTION TO THE DEVELOPMENT OF THE BANKING SYSTEM AND PROSPECTIVE AREAS OF ACTIVITY

In the context of the coronavirus pandemic, the role of organizations that contribute to maintaining a balance between the goals of government and the interests of the banking community is increasing, helping to increase the role of commercial banks in the implementation of public policy, as well as increasing the quality of banking, information and analytical and consulting services. In this regard, the main mission and goals assigned to the Association of Banks of Uzbekistan, which celebrated its 25th anniversary this year, remain more relevant than ever. The author of the article tells in detail about the creation, formation and development of the Association of Banks of Uzbekistan simultaneously with the formation of the banking system of the republic. ABU unites 20 commercial banks from the existing 31 banks in the country.

# КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШДА КОМПЛАЕНС НАЗОРАТ ТИЗИМИНИНГ РОЛИ



*Муҳиддин Жумагелдиев,*
*«Асака» банк Комплаенс назорат Департаменти бошлиғи*



*Авазбек Рашидов,*
*«Асака» банк Комплаенс назорат Департаменти бош мутахассиси*



*Шамшод Джалалов,*
*«Асака» банк Комплаенс назорат Департаменти бош мутахассиси*

***Коррупция.*** Бу терминология адабиётларда турлича талқин қилинади, масалан, лотинчада «***corruption***» – «пора эвазига оғдириш», «***corrumpere***» – «бузилиш, айниш, таназзул», «***cor ruptum***» – «синган, бузилган» маъноларини англатади.

Ҳозирда халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилган маънога кўра, коррупция – бу одатда мансабдор шахс томонидан унга берилган куч ва ҳуқуқлар, шунингдек ушбу расмий мақом билан боғлиқ ваколатлар, имкониятлар, алоқаларни қонуний ва ахлоқий меъёрларга зид равишда шахсий даромад олиш учун ишлатишни англатади.

Шунингдек, коррупция мафия тизими кучайган мамлакатларда юқори мансабдор шахслар (амалдорлар)нинг порахўрлиги, уларнинг лавозимини суиистеъмол қилган ҳолда яширин манфаатлар кўриши деб ҳам тушунилади.

Коррупциянинг келиб чиқишидаги ўзига хос белги бу мансабдор шахснинг хатти-ҳаракатлари ва унинг иш берувчиси манфаатлари ўртасидаги



*Лотинчада «corruption» – «пора эвазига оғдириш», «corrumpere» – «бузилиш, айниш, таназзул», «cor ruptum» – «синган, бузилган» маъноларини англатади.*

зиддият ёки сайланган мансабдор шахснинг хатти-ҳаракати ва жамият манфаатлари ўртасидаги зиддиятдир. Коррупциянинг деярли барча шакллари мансабдор шахс томонидан қилинган фирибгарликка ўхшайди ва давлат ҳокимиятига қарши жиноятлар тоифасига киради.

Мавзунинг долзарблиги ҳозирги кунда жадал ривожланиб бораётган жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва халқаро жараёнлар билан боғлиқ бўлиб, бу муқаррар равишда иқтисодий жиноятчиликнинг халқаро даражадаги хавфга айланиши ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш учун ишлатиладиган механизмларнинг тарқалиши, давлатлар, уларнинг бирлашмалари, жаҳон ҳамжамиятига катта зарар етказиши билан белгиланади.

Сўнгги йилларда халқаро ҳуқуқда коррупцияга қарши курашишни кучайтиришнинг аниқ тенденцияси ишлаб чиқилган бўлиб, дунё миқёсида қабул қилинган глобал чоралар, молиявий ва иқтисодий ҳамжамиятларнинг коррупцияга қарши курашишда бирлашиши умумжамият учун ушбу «хасталик»ка қарши курашишни тушунишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур тенденция коррупцияга қарши курашишдаги қонунларни амалга ошириш, унга оид ҳуқуқбузарликларни, айниқса миллий даражада меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар талбалари бузилишининг олдини олиш орқали коррупцияга қарши курашишнинг умумий глобал стандартларини белгилаш мақсадида турли халқаро ташкилотлар ва органларнинг қонунчилик фаолиятини активлаштиришда намоён бўлди.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганларидек, «ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислоҳотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради»[1].

Албатта, қайси мамлакат бўлмасин, коррупцияга қарши курашмас экан, иқтисодиётига, сиёсатига, ижтимоий-маданий ва бошқа соҳаларига ҳам катта таҳдид туғдиради.

Коррупция ҳолатларининг келиб чиқиш сабабларига назар соладиган бўлсак, энг аввало, қайси соҳа бўлмасин, инсон омили мазкур «иллат» авж олишига сабаб бўлади. Инсон омили борки, коррупция ҳолатлари аниқланаверади. Бунга лавозимни суиистеъмол қилиш, қонун ҳужжатлари талабларини менсимаслик, меъёрлар ва стандартлар билан белгилаб қўйилган талабларни ғайриқонуний йўллар билан «айланиб» ўтиш, бюрократия тизими яққол мисол бўла олади.

Россия Федерацияси Хавфсизлик Кенгаши раиси ўринбосари Д.А. Медведевнинг фикрича, коррупциянинг келиб чиқишига сабаб – бу қонунларга мутлақо ҳурматсизлик билан қарашдир.

«Коррупциянинг илдизи аҳолининг катта қисми қонунларга мутлақо риоя қилмаслиги, уларга тупуришидан келиб чиқади. Ёки биз қонун билан яшашни ўрганимиз, яъни қонун талабларини бажариш керакми, деб ўйламасдан, шунчаки уларга риоя қилишимиз ва бажаришимиз керак, акс ҳолда одамлар улар учун ҳамма нарса мумкин, деб ўйлашади»[2].

Ўзбекистонда ҳам сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда ишлаб чиқилаётган коррупцияга қарши дастурлар, биринчи навбатда, коррупция даражаси юқори бўлган, аввало иқтисодий ривожланишга тўсқинлик қилаётган соҳаларга кириб бориш, мазкур соҳаларда коррупция ҳолатларининг олдини олиш, бу орқали эса ҳақиқатан ҳам қулай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратишга ёрдам беради.

Коррупция чинакам қулай ишбилармонлик ва инвестицион муҳит яратилиши, иқти-

---

1 *И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 93-б.*

2 *Информационное агентство России «ТАСС», 26.02.2008 г. (Манба: https://newdaynews.ru/economy/166149.html).*

содиёт ривожланиши олдидаги асосий тўсиқлардан биридир. Мутахассисларнинг фикрига кўра, йилига коррупциядан жаҳон иқтисодиётига етказиладиган зарар тахминан 2,6 трлн. АҚШ долларини ташкил этади.

Мамлакатимизда мустақиллик даврида коррупцияни жиловлаш ва тугатиш борасида бирмунча ислоҳотлар амалга оширилган бўлса-да, коррупцияга қарши «аёвсиз» курашиш 2016 йилнинг октябрь ойидан бошланди.

Жумладан, 2016 йилнинг 14 октябрида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташаббуси билан «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ва мазкур Қонун 2017 йил 3 январдан бошлаб кучга кирди.

Шунингдек, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан коррупцияга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда олиб борилаётган ислоҳотлар барча давлат бошқаруви органларининг очиқлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ш. Мирзиёев бежизга «Биз коррупциянинг оқибатлари билан курашишдан унинг барвақт олдини олишга ўтишимиз керак», деб айтмадилар.

Ҳар қандай иллат авж олганидан кейин унга қарши курашиш эмас, балки унинг барвақт олдини олиш катта ютуқлар сари етаклайди.

Коррупция дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. У жиддий ижтимоий, маънавий, иқтисодий ва сиёсий муаммолар келтириб чиқаради ҳамда давлат органлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатади, ривожланишга тўсқинлик қилади ва рақобатни «ўлдиради».

Баъзи бир давлатлар ўзларининг маълум усулларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши шиддатли курашиб келмоқдалар. Дунё тажрибаси коррупцияга қарши курашишда самарали ва самарасиз усулларнинг гувоҳи бўлган. Коррупцияга қарши курашишда кўзга ташланарли ютуқларга эришган кўпгина давлатларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин.

***Сингапурда*** доимий фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган орган – сиёсий ва функционал мустақилликка эга бўлган Коррупция ҳолатларини қидириш бюроси *(Corrupt Practices Investigation Bureau)* 1952 йилда ташкил этилган бўлиб, коррупцияга қарши курашишда муҳим бўғин ҳисобланади. Ушбу мустақил орган Сингапур иқтисодиётининг давлат ва хусусий секторларида коррупциянинг олдини олиш чораларини кўради, бунда мансабдор шахсларга берилган ҳар қандай шаклдаги «мукофот» ёки «совға» коррупция сифатида қаралади.

*Сингапурда доимий фаолият кўрсатувчи ихтисослаштирилган орган – сиёсий ва функционал мустақилликка эга бўлган Коррупция ҳолатларини қидириш бюроси (Corrupt Practices Investigation Bureau) 1952 йилда ташкил этилган бўлиб, коррупцияга қарши курашишда муҳим бўғин ҳисобланади.*

Бюро мансабдор шахслар орасида суиистеъмолчилик ҳолатларини текширади ҳамда улар ҳақида тегишли органларга жавобгарлик чораларини кўриб чиқиш учун хабар беради.

Бюро бошқарув тизимидаги эҳтимолий камчиликларни аниқлаш мақсадида коррупция ҳолатларига йўл қўйиши мумкин бўлган давлат органларининг иш усулларини ўрганиб, таҳлил қилиб боради.

Ушбу давлат органлари фаолиятида аниқланган камчиликлар коррупция ҳолатлари ва бошқа ҳуқуқбузарликларга олиб келиши мумкинлиги ҳақида хулоса қилинган тақдирда, Бюро мазкур идоралар раҳбарларига тегишли чораларни кўриш ҳақида тавсиялар беради.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Сингапур ўзининг коррупцияга қарши курашиш бўйича самарали тизимини ярата олди, бу орқали эса нафақат Осиё минтақаси, балки бутун жаҳонда коррупцияни идрок этиш индексига кўра юқори рейтинг натижасига эришди. Яъни *Transparency International* халқаро ташкилотининг 2019 йил учун эълон қилинган «***Коррупцияни идрок этиш индекси***» *(Corruption Perceptions Index)* рейтинги бўйича Сингапур 100 баллик рейтинг тизимидан 85 балл жамлаган ҳолда, дунё мамлакатлари орасида коррупция энг кам тарқалган мамлакат сифатида 4-ўринни эгаллаган.

Бундан ташқари, Дания, Финляндия, Янги Зеландия, Гонгонг, Япония, Қатар, Бирлашган Араб Амирликлари сингари мамлакатларда ҳам коррупцияга қарши фаол курашиб келинмоқда.

Аммо амалиётлар шуни кўрсатадики, ҳатто коррупция энг оғир жиноят ҳисобланиб, унга энг оғир – ўлим жазоси бериладиган давлатларда ҳам барибир коррупция тўлиқ йўқ бўлиб кетмаган. Бинобарин, дунё ҳамжамияти унга қарши курашишни тўхтатиб қўйгани ҳам йўқ. Бу муаммони ҳал этиш йўлида янгидан-янги ечимлар ва таъсир кўрсатиш усуллари тинимсиз изланмоқда ва амалиётга татбиқ этилмоқда.

Айтиш мумкинки, мамлакатимизда ҳам сўнгги йилларда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва «яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш чоралари кўрилмоқда ҳамда «коррупциясиз соҳа» лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Халқаро тажрибаларни ўрганган ҳолда давлатимиз раҳбари томонидан мамлакатда коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича муҳим қарорлар, амалий чора-тадбирлар қабул қилиняпти. Жумладан, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастурини изчил рўёбга чиқариш, шунингдек жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишга қаратилган давлат сиёсатининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил





ИҚТИСОДИЙ ХАВФСИЗЛИК БОЗОР, ПУЛ ВА КРЕДИТ БПК

*Ўзбекистон меъёрий ҳужжатлари соҳасидаги янги терминология бўлмиш «комплаенс-назорат» ҳозирда кўпчилик мамлакатларда амалда қўлланиб келинаётган ҳамда самарасини кўрсатаётган тизимлардан бири ҳисобланади.*

29 июнда «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сонли Фармони имзоланди. Мазкур Фармонга мувофиқ ҳамда халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, шу куни Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-4761-сонли Қарори тасдиқланди.

Унга кўра агентлик ўз фаолиятини қонунийлик, холислик, ҳисобдорлик, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида бошқа давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларидан мустақил равишда амалга оширади, Ўзбекистон Республикаси Президентига бўйсунади ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари олдида ҳисоб беради.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- мамлакатда коррупция ҳолати тизимли таҳлил қилинишини таъминлаш;
- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш;
- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- вазирлик ва идораларнинг коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва бошқа нодавлат сектори вакилларининг ушбу масалалар бўйича биргаликдаги самарали фаолиятини ташкил этиш;
- давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналар, шу жумладан банкларда коррупцияга қарши ички назорат тизими ***(«комплаенс-назорат»)*** ҳамда коррупцияга қарши курашишнинг бошқа халқаро воситаларини жорий этиш ва самарали фаолият кўрсатишини ташкиллаштириш, замонавий усуллар ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида коррупцияга қарши мониторинг олиб бориш, шунингдек уларнинг мазкур соҳадаги фаолияти бўйича рейтингини тузиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳалари коррупцияга қарши экспертизаси самарадорлигини таъминлаш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш, халқаро стандартларни ва илғор хорижий амалиётни жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;
- давлат хизматчиларининг даромад ва мол-мулкини декларация қилиш тизими жорий этилиши ва самарали фаолият кўрсатишини ҳамда декларацияларнинг ҳаққонийлиги текширилишини ташкил этиш;
- давлат хизматига ҳалоллик стандарти («ҳалоллик вакцинаси») ва манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш стандартларини жорий этишда кўмаклашиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш;
- бюджет маблағлари, халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатларнинг қарзларидан фойдаланиш, давлат активларини реализация қилиш ва давлат харидлари соҳасида коррупцияга қарши назорат тизимининг самарадорлигини таҳлил қилиш;
- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда мамлакатнинг имижини мустаҳкамлаш ва унинг халқаро рейтинглардаги ўрнини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;
- коррупциянинг ҳолати, тенденциялари ва сабаблари ҳамда коррупцияга қарши чоралар кўришнинг самарадорлиги юзасидан социологик, илмий ва бошқа тадқиқотларни ташкил этиш;
- коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш

бўйича фаолиятнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шу мақсадда оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат секторининг бошқа вакиллари билан самарали ҳамкорликни амалга ошириш.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон меъёрий ҳужжатлари соҳасидаги янги терминология бўлмиш ***«комплаенс-назорат»*** ҳозирда кўпчилик мамлакатларда амалда қўлланиб келинаётган ҳамда самарасини кўрсатаётган тизимлардан бири ҳисобланади.

Хорижий амалиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, бозор иқтисодиёти қонунларга асосланган мамлакатларда коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат ва хусусий сектор иштирокчиларининг халқаро стандартлар, қонун ҳужжатлари ва бошқа замонавий усулларга мувофиқ самарали фаолият юритишини таъминловчи муҳим воситалардан бири ўз таркибида коррупцияга қарши курашиш комплаенс назорат *(compliance control)* тизимини ташкил этиш ҳисобланади.

Ҳозирги кунда халқаро тажрибада комплаенс назорат тизими кенг қўлланиб келинмоқда. «Комплаенс» (*«compliance»*, сўзма-сўз таржимада *розилик, мувофиқлик*) тушунчаси – ташқи ёки ички талаб ва меъёрларга мувофиқлик сифатида чет эл адабиётларида келтирилган. Базель Қўмитаси тавсияларига мувофиқ комплаенс-риски – қонунчилик ва банкнинг ички ҳужжатларига риоя этилмаса, юридик санкциялар, назорат органларининг эътирозлари, банкка нисбатан таъсирчан молиявий ёки репутациявий зарар етказиш хавфини англатади. Ҳар қандай соҳада комплаенс тизими соҳанинг ўз ҳусусиятларидан келиб чиққан ҳолда йўлга қўйилади.

Коррупцияга қарши комплаенс назорат – давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги халқаро стандартлар, қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этувчи, коррупция хавф-хатарлари, манфаатлар тўқнашувини ўз вақтида аниқлаш ва чек қўйиш, қонун бузилиши ва коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришни ўзида мужассам этган профилактик тизимдир.

Комплаенс назорат тизими илк бор АҚШда 1906 йилда вужудга келди. Бунга зарурият мамлакат иқтисодиётида хавфсизликни таъминлашга қаратилган компания ва корпорацияларнинг ташкил этилиши билан боғлиқдир.

*Ҳозирги кунда халқаро тажрибада комплаенс назорат тизими кенг қўлланиб келинмоқда. «Комплаенс» (compliance, сўзма-сўз таржимада розилик, мувофиқлик) тушунчаси – ташқи ёки ички талаб ва меъёрларга мувофиқлик сифатида чет эл адабиётларида келтирилган.*

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бугунги кунгача йирик компаниялар билан бўлган низоли вазиятлар (Volkswagen, Daimler, Siemens, Odenbrecht (Германия); Petrobras (Бразилия); Samsung Group, Hyundai Motor Co. (Корея Республикаси); BAE Systems (Буюк Британия); Baker Hughes Inc, Panalpina World Transport (АҚШ) ва бошқалар) хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш тизимларини тубдан ислоҳ этишни тақозо қилди.

«Baker and McKenzie» халқаро юридик фирмасининг 2019 йилги расмий маълумотларига кўра, бугунги кунда 150дан ортиқ мамлакатлар компанияларида коррупцияга қарши комплаенс назорат тизими жорий этилган.

Сўнгги вақтларда комплаенс назорат тизими ва унинг бажарадиган функцияларини миллий ва халқаро даражада ўрганишга уриниш ортиб борди. 2005 йилда банк назорати бўйича Базель Қўмитаси «Комплаенс ва унинг банклардаги функциялари» (Compliance and the compliance function in banks) номли ҳужжатни эълон қилди ва ушбу ҳужжат уч томонлама муҳим аҳамиятга эга бўлди:

***биринчидан,*** банкларда комплаенс назорат хизматининг алоҳида мақоми белгилаб қўйилди;

***иккинчидан,*** жаҳон талаблари ва стандартлари асосида ҳар бир банкда комплаенс-риск менежменти бўлиши шартлиги белгилаб қўйилди;

***учинчидан,*** комплаенс назорат хизматини ташкил қилишда ҳар бир банк мустақил бўлса-да, уни амалга оширишнинг умумий тамойиллари мавжудлиги белгиланди.

Комплаенс назорат тизимини жорий этиш бўйича самарали тажрибага эга мамлакатлар амалиётига мувофиқ ушбу тизимнинг энг кенг тарқалган қуйидаги иккита модели қўлланилади:

1. Компания ва ташкилот фаолиятини фақатгина мавжуд ўрнатилган ички қонун ва қоидаларга мувофиқ ташкил этишга эътибор қаратилади. Бунда комплаенс хизмати жорий этилиши минимал қоидалар билан чекланади.

2. Комплаенс назорат тизимининг ташкил этилиши коррупция хавфларини баҳолашда халқаро ташкилотларнинг (Базель қўмитаси ҳамда Халқаро комплаенс ассоциацияси) тавсияларига асосланган ҳолда, комплаенс хизматининг мақоми, вазифалари ва фаолият доираси айнан ана шу халқаро стандарт ва тавсияларга мувофиқ белгиланади.

Хорижий мамлакатларнинг йирик банкларида комплаенс назорат тизими бир қанча бўлинмалардан иборат бўлади. Жумладан, жиноий фаолиятдан топилган капитални легаллаштиришга қарши курашиш бўйича гуруҳ (молиявий мониторинг бўлими); ахборотлар назорати режимини ўрганиш бўйича гуруҳ; мижозлар эътирозларини таҳлил қилиш ва назорат остига олиш бўйича гуруҳ ва бошқалар.

Сўнгги йилларда халқаро тажрибада комплаенс назорат тизимининг ихтисослашуви кучайиб бормоқда. Улардан кўпчилиги асосан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, коррупцияга, терроризмни молиялаштиришга қарши курашишга ихтисослашган.




*«Baker and McKenzie» халқаро юридик фирмасининг 2019 йилги расмий маълумотларига кўра, бугунги кунда 150дан ортиқ мамлакатлар компанияларида коррупцияга қарши комплаенс назорат тизими жорий этилган.*

Сир эмаски, коррупция тизимли тусга эга бўлиб, у билан тизимли бўлмаган ҳолатлар билан курашиш бефойда ва хавфлидир. Агар коррупцияга қарши курашишнинг ягона давлат сиёсати доирасида тегишли комплекс чора-тадбирлар амалга оширилса, коррупциянинг намоён бўлиш ҳолатларини камайтириш мумкин бўлади. Бу борада мамлакатимиз Президенти томонидан 2020 йил 11 февралда коррупцияга қарши курашиш ва жамоат назорати тизимини янада такомиллаштириш бўйича ўтказилган йиғилишда Адлия вазирлиги ва Бош прокуратура зиммасига БМТнинг Тараққиёт Дастури билан ҳамкорликда вазирликлар, компаниялар ва ҳокимликларда коррупцияга қарши курашиш ички чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни таъминлайдиган комплаенс назорат тизимини жорий этиш топширилди.

Шунингдек, 2020 йил 27 июль куни Президентимиз томонидан «Яширин иқтисодиёт» улушини қисқартириш ва коррупция ҳолатларининг олдини олишга бағишланган йиғилиш ўтказилди. Мазкур йиғилишда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳамкорлигида хуфиёна иқтисодиётга ва коррупцияга қарши мувофиқлик тизими (комплаенс тизими)ни жорий этиш мақсадида 2020–2021 йилларга мўлжалланган Йўл харитасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш вазифаси юклатилди.

Айтиш лозимки, бугунги кунда комплаенс назорат тизимининг босқичма-босқич давлат ва хусусий секторда жорий этили-

ши ушбу соҳанинг ўрганилиши ҳар жиҳатдан долзарблигини кўрсатади.

Коррупция муаммосини ўрганаётганда коррупция икки томонлама йўл эканлигини унутмаслик керак, яъни бунда нафақат мансабдор шахслар, балки бизнес ҳам алоқадор. Гарчи коррупция бюрократия ва унинг ортиқча функциялари томонидан амалга оширилса ҳам, компаниялар раҳбарлари кўпинча аниқ коррупцион амалиётнинг ташаббускори бўлишади. Буни хорижий экспертлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ҳам тасдиқлайди.

Таҳлил натижаларига кўра, коррупциянинг 27та ўзига хос ҳолатларидан фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда тадқиқотчилар қуйидаги хулосага келишди: бошқарувчилар коррупцион ҳаракатларнинг ташаббускори бўлибгина қолмай, балки бундай ҳаракатларнинг катта қисмидан шахсий фойда олишмоқда. Бизнесда коррупциядан асосий йўқотишлар эса, кутилганидек, акциядорлар гарданига тушмоқда.

Жадвал маълумотларига кўра, коррупцион ҳаракатларнинг асосий «фойда олувчилари» бошқарувчилар бўлиб, коррупционер амалдорлар ва муаммоларини ҳал қилишдан манфаатдор бўлган компаниялар ўртасида воситачилар сифатида иштирок этади. Шу билан бирга, воситачи ўз хизматларини расмий равишда бозор нархларида тақдим этишга қодир.

Бу борада давлатнинг вазифаси – мамлакатда шаффоф бизнес тизимини яратиш, маҳаллий корхоналарнинг обрўси ва ташқи иқтисодий алоқаларининг ривожланишига таъсир этиб, хорижий инвестицияларни жалб қилишга ёрдам беришдан иборат.

Давлат томонидан қабул қилинаётган тегишли комплекс чора-тадбирларни тушуниш учун коррупцияга қарши курашишда қўлланилаётган янги стандартларни тўғри англаш лозим. Демак, коррупциянинг иқтисодий сабаблари ва келиб чиқиш манбалари ҳамда унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари аниқланиши коррупцияга қарши курашишнинг асосий концептуал йўналишларини белгилаб бериши мумкин. Коррупцияга қарши курашишда самарали механизмлар яратилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ, шу жумладан:

- корпоратив хавфсизлик;
- қоидабузарликларни олдиндан огоҳлантириш;
- кўрилаётган чораларнинг қонунийлиги ва шаффофлиги;
- фуқаролик жамияти тузилмалари билан ўзаро муносабатлар;
- жамиятда коррупцияга қарши курашиш дунёқарашини шакллантириш.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда жаҳон тажрибасини таҳлил қилиб, ишонч билан айтишимиз мумкинки, уларга эришиш учун комплаенс тизимидан самарали фойдаланиш асосий роль ўйнайди.

Коррупцияга қарши курашишда комплаенс назорат тизимининг ўзига хос хусусияти унинг дастлабки босқичда аниқланиши ва олди олиниши бўлиши керак. Бунда:

- ходимлар томонидан лавозим суиистеъмолликлари ва коррупция аломатларига йўл қўймаслик мақсадида огоҳлантириб бориш;
- компания фаолияти давомида юзага келадиган манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш;
- тегишли соҳада лицензиялаш ва бошқа регулятор талабларига риоя қилиш;
- давлат томонидан, шунингдек халқаро ташкилотлар ва алоҳида давлатлар томонидан ўрнатилган иқтисодий санкциялар ва чекловларга риоя қилиш;
- компаниянинг барқарор ишлашини таъминлаш ва унинг хавфсизлигига таҳдидларнинг олдини олиш, ноқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш, ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини

*Жадвал*

**Коррупцион ҳаракатларга қизиқиш билдирганлар бўйича тадқиқотлар**

| Жараён қатнашчилари | Ташаббускор | Бенефициар |
|---|---|---|
| Давлат ходимлари | 4 ҳолат (18,5 %) | 7 ҳолат (31,4 %) |
| Бошқарувчилар | 21 ҳолат (76 %) | 12 ҳолат (37,6 %) |
| Ходимлар | 1 ҳолат (0,6 %) | – |
| Акциядорлар | – | 6 ҳолат (20,6%) |
| Етказиб берувчилар | 1 ҳолат (4,7%) | 2 ҳолат (10,2%) |
| Мижозлар | – | – |
| Жамият | – | – |
| Рақобатчилар | – | – |

***Манба:** С. Шекшня. «Как победить коррупцию в российском бизнесе», онлайн статья на сайте http://www.tks.ru, 03.05.2012 г.*

ҳимоя қилиш, молиявий ва моддий-техник воситалар ўғирланиши, мулк ва бойликлар талон-торож қилинишининг олдини олиш;

- компания ва ҳамкорларга тегишли бўлган ахборот активларини (тижорат, банк сирлари) тасодифий (хато) ва атайин уюштирилган ноқонуний тажовузлардан, ошкор қилиш, йўқотиш, етказиш, хато кўрсатиш, ўзгартириш, қисман ёки тўлиқ йўқ қилишдан ҳимоя қилиш;
- ўзаро манфаатдор ҳуқуқларни таъминлаш.

Шундай қилиб, коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш билан бир қаторда компанияларда антикоррупцион комплаенс тизимининг асосий омилларини, шу жумладан коррупцион ҳолатларни аниқлаш усуллари ва ёндашувларини, антикоррупцион рискларни баҳолаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари (жумладан, янги ташкил этилган Агентлик) билан ҳамкорликнинг асосий шаклларини белгилаб олиш лозим бўлади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, давлат дастлабки босқичда коррупцияга қарши курашиш учун ишлаб чиқилган қонунчилик базасини, шу жумладан мамлакат компанияларида коррупцияга қарши ички тизимни жорий этиш учун асос яратди. Замонавий шароитда тобора кўпроқ узоқлашаётган бизнес-воқеликларни ҳисобга олган ҳолда молиявий фирибгарликнинг кескин ўсиши, жумладан «янги» онлайн фирибгарлик, уларни муваффақиятли аниқлаш ва олдини олиш учун комплаенс тизимининг мавжудлиги зарур бўлади.

*Коррупцияга қарши сиёсатни амалга ошириш билан бир қаторда компанияларда антикоррупцион комплаенс тизимининг асосий омилларини, шу жумладан коррупцион ҳолатларни аниқлаш усуллари ва ёндашувларини, антикоррупцион рискларни баҳолаш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари (жумладан, янги ташкил этилган Агентлик) билан ҳамкорликнинг асосий шаклларини белгилаб олиш лозим бўлади.*

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Бугунги кунда самарали назорат механизми ҳар бир хўжалик юритувчи субъект фаолияти учун зарур.

Шундай қилиб, комплаенс назорати қоидалари аллақачон коррупцияга қарши курашишда қўлланиладиган барча зарур мезонларни ўз ичига олади, хусусан, ҳуқуқбузарликлар ҳақида олдиндан огоҳлантиришни ва корпоратив хавфсизликка эришишни таъминлайди. Кенг маънода комплаенс назорат тизимини бошқариш коррупцияга қарши қуйидаги тамойилларга риоя қилади:

- ташкилот фаолиятининг амалдаги қонунчилик ва умумий қабул қилинган стандартларга мувофиқлиги тамойили;
- бизнес этикаси меъёрларига риоя қилиш тамойили;
- ходимларнинг иштирок этиши тамойили;
- тизимни қуриш ва амалга ошириш жараёнларини амалга оширишга халақит бермаслик тамойили;
- жавобгарлик ва жазонинг муқаррарлиги тамойили;
- доимий назорат ва доимий мониторинг тамойили;
- бизнеснинг шаффофлиги тамойили.

Шуни таъкидлаш керакки, комплаенс назорат тизимини жорий қилишнинг зарурий шарти шуки, ҳар бир ходим, иш жойи ёки лавозимидан қатъи назар, тизимнинг белгиланган талабларини тан олиши, фойдаланиши ва уларга риоя қилиши, шунингдек ҳамкорлардан бизнес этикасининг энг юқори андозаларига мувофиқ равишда иш юритишини талаб қилишлари лозим.

Хозирги кунда комплаенс назорат тизими стандартлари асосида фаолият олиб бориш, уни амалиётга татбиқ этиш орқали муваффақиятга эришиш компаниянинг устунлиги ҳисобланади. Буни қуйидаги афзалликларда ҳам кўриш мумкин:

- репутацион рискларни минималлаштириш;
- молиявий йўқотишлар, банкротлик ҳамда компанияларнинг (асосан тижорат банклари ва йирик холдинглар учун) маҳаллий ва хорижий регуляторлар томонидан қўлланиладиган санкциялари олдини олиш ва минималлаштириш;
- дастлабки мониторинг, коррупцион рискларни аниқлаш ва огоҳлантириш;

- компаниянинг самарадорлиги, рақобатбардошлиги ва капиталлашув даражасини ошириш;
- мамлакатдаги ва хориждаги компанияларнинг ишбилармонлик обрўсини сақлаб қолиш ва ривожлантириш.

Ваколатли органлар (жумладан, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ инспекцияси, Уюшма ва Қўмиталар, Палаталар, Агентликлар, Марказий банк) томонидан комплаенс тизимини самарали ва сифатли ташкил қилиш мақсадида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича асосий стандартларни белгилаш ҳамда ички меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш билан тегишли услубий тавсияларни амалиётга татбиқ этиш, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича Сиёсат, одоб-ахлоқ Кодекси ҳамда ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш, компания ва бошқа молиявий ташкилотларда Комплаенс назорати бўйича таркибий тузилмалар тузиш ва комплаенс менежерларини тайинлаш, тасдиқлаш ва амалга ошириш, шунингдек коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасида комплаенс ва ички назорат тизими самарадорлигини таъминлаш, ички ва ташқи текширишларни ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қолаверса, стандартлар тизимига эга комплаенс назоратининг халқаро амалиётини ҳисобга олиш ҳам муҳимдир. Яъни:

- совғалар ва ваколат харажатлари стандарти;
- харид қилиш ва тендер савдоси учун стандарт;
- аноним хабарлар (билдиришномалар) стандарти;
- манфаатлар тўқнашувларини бошқариш стандарти;
- оилавий ҳамкорлик стандарти;
- ҳамкорлар / рақобатчилар / пудратчилар билан муносабатлар стандарти;
- фирибгарликка қарши стандарт;
- жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш, терроризмни молиялаштириш ва оммавий қирғин қуролларини тарқатишни молиялаштиришнинг олдини олиш стандарти;
- ахборот хавфсизлиги стандарти.

Шундай қилиб, мақолада келтирилган маълумотларга асосланиб, Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашишда самарали механизмларни яратиш учун етарли чоралар кўрилмоқда, деган хулосага келиш мумкин. Ўз навбатида, коррупцияга қарши самарали курашиш учун оқилона бошқарув масалаларида бизнеснинг ўзи намуна бўлиши ҳамда коррупция ва фирибгарликдан холи тузилма сифатида ўз обрўсини доимий равишда тасдиқлаши керак. Бунинг учун ҳар бир компания ва ташкилот ўзининг антикоррупция бўйича ички комплаенс тизимини кучайтириши, коррупция ҳолатларининг олдини олиш, аниқлаш ва йўқ қилиш механизмларини такомиллаштириши лозим. Чунки коррупцияга қарши курашишда пухта ишлаб чиқилган ва тасдиқланган дастурлар мавжуд бўлса ҳам улар билан доимий равишда ишлаш талаб этилади.

Шуни таъкидлаш керакки, коррупцияга қарши курашишда комплаенс назорат тизими унинг ажралмас қисми ҳисобланади ҳамда тегишли чора-тадбирларни амалга оширишда компаниянинг ички жараёнларига ва бизнес схемаларига интеграциялашув ҳар томонлама ва тизимли равишда амалга оширилиб, бутун ташкилий даражада қўлланилиши керак. Ваколатли органлар томонидан комплаенс тизимини ташкил қилишнинг асосий талабларини, шу жумладан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш билан тегишли кўрсатмаларни ишлаб чиқиш мамлакат фаровонлигига ёрдам беради.


## ABSTRACTS

### THE ROLE OF COMPLIANCE CONTROL SYSTEM IN THE FIGHT AGAINST CORRUPTION

Now countries around the world are trying to fight the ongoing coronavirus (COVID-19) pandemic. Unfortunately, in such a tragic situation, there are those who put their interests first. Fraudsters and corrupt officials are looking for new opportunities to consolidate power and increase their illegal income. This indicates, first of all, the need to intensify the fight against money laundering and corruption. With this in mind, this article examines the current reforms in the country to combat corruption, as well as the role of compliance control in the fight against corruption.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИНИНГ МАКРОИҚТИСОДИЙ ЖИҲАТЛАРИ



*Жаҳонгир Алимджанов,*
*«Агробанк» АТБ бош офиси, «Агросаноат мажмуаси корхоналарини молиялаштириш» департаменти «Имтиёзли кредитлаш» бошқармаси «Якуний ҳисоб-китоб маблағларининг ишлатилиши ва имтиёзли кредитлар мониторинги» бўлими бошлиғи, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси*

***Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида фаол инвестицион сиёсатни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада муҳтарам Президентимиз Ш.М. Мирзиёев таъкидлаб айтган сўзларни келтириш ўринлидир: «Мамлакатимизда инвестиция сиёсатини кучайтириш масаласига биз алоҳида устувор аҳамият қаратамиз. Хорижий сармояларни ва илғор технологияларни иқтисодиётга жалб этиш учун чет эллардаги дипломатик ваколатхоналаримиз жиддий иш олиб бориши керак. Бунинг учун Ташқи ишлар вазирлиги фаолиятини кучайтириш лозим, чет мамлакатлардаги элчиларимиз нафақат сиёсий, айни вақтда юртимизга инвестицияларни жалб қилиш масалалари билан ҳам фаол шуғулланишлари даркор».***

Республикамизда фаолият кўрсатаётган эркин иқтисодий зоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилишни янада рағбатлантириш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга солиқлар ва божхона тўловлари бўйича берилган имтиёзларнинг са-



марали амал қилиш механизмини янада такомиллаштириш юзасидан қатор таклифлар келтирилган.

Ҳар қайси давлат иқтисодий сиёсатининг узоқ муддатли мақсади иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва ўсиш суръатларининг истиқболда барқарорлигини сақлаб қолишдан иборатдир. Иқтисодиётни модернизация қилиш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни яратиш, мамлакат иқтисодиётининг тармоқ ва соҳаларида амалда фаолият юритаётган техника ва технологияларни янгилаш, уларни қўллаб-қувватлаш инвестицион жараёнларни нечоғлик тўғри ва самарали амалга оширишга боғлиқ. Шу боисдан ҳам ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган фаол инвестиция сиёсатини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун марказлашган, марказлашмаган жамғармалар маблағлари, хорижий инвестициялар ва кредитларни ўзлаштиришга ҳамда улардан самарали фойдаланиш масалаларига урғу берилмоқда. Мамлакат иқтисодиётини таркибий ўзгартириш, тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга доир лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб қилиш борасида бажарилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ.

*Давлат томонидан инвестициялар соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, қабул қилинган тизимли чора-тадбирлар, ишлаб чиқилган дастурлар ва лойиҳалар туфайли Хитой халқаро бозорларни забт этишга муваффақ бўлди. Мазкур давлат 1970 йилдаёқ фаол инвестиция сиёсатини юритишни энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олган эди.*

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қайси давлат фаол инвестиция сиёсатини юритган бўлса, ўз иқтисодиётининг барқарор ўсишига эришган[1]. Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлар ўртасида кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартларидан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан йилга инвестицион муҳит жозибадорлигини таъ-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. URL: http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi.



ЎзА фотоси.

*Мамлакатимизда сиёсий ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатлаш ва кенг имтиёзлар тизимини яратиш ҳозирда юритилаётган оқилона инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.*

минлашга хизмат қиладиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари юзага келмоқда. Масалан, давлат томонидан инвестициялар соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар, қабул қилинган тизимли чора-тадбирлар, ишлаб чиқилган дастурлар ва лойиҳалар туфайли Хитой халқаро бозорларни забт этишга муваффақ бўлди. Мазкур давлат 1970 йилдаёқ фаол инвестиция сиёсатини юритишни энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олган эди.

Инвестиция сиёсати микро, макро, тармоқ, минтақа, халқаро даражаларда амалга оширилади. Шу жиҳатдан уни амалга ошириш ўзига хос хусусиятларга эга. Бироқ турли даражаларда амалга ошириладиган инвестиция сиёсатининг ядроси давлат инвестиция сиёсати ҳисобланади. Унинг йўналишлари тармоқ, ҳудуд, халқаро интеграция ва ташқи сиёсатнинг ривожланишига таъсир кўрсатиш кучига эга. Давлат томонидан олиб бориладиган инвестиция сиёсатининг иқтисодиёт, унинг тармоқлари ва ҳудудлари кесимида диверсификация, модернизация ва халқаро интеграцияга фаол йўналтирилганлиги макроиқтисодий барқарорлик ва ижтимоий фаровонликнинг муҳим шартидир. Иқтисодиётга инвестицияларни жалб этишни ривожлантириш фаол инвестиция сиёсати орқали амалга оширилади. Инвестиция сиёсати давлат иқтисодий сиёсатининг таркибий қисми сифатида белгиланган стратегик мақсадларга эришиш ҳамда иқтисодий сиёсатнинг қисқа муддатли ва узоқ истиқбол учун белгиланган вазифаларини бажаришга хизмат қилади. Шу нуқтаи назардан у ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, иқтисодиётни юксалтириш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш мақсадида иқтисодий фаолият субъектлари учун қулай хўжалик юритиш шароитларини яратиш орқали мамлакатда инвестиция фаолиятини ривожлантиришга қаратилган мақсадли тадбирлар мажмуини ифода этади. Унинг асосий мақсади миллий иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилган инвестиция фаолиятини янада ривожлантириш ва жамият ишлаб чиқариши самарадорлигини оширишдан иборат. Инвестиция фаолияти юридик ва жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятига сармоя киритишига асосланади. Тадбиркорлик фаолиятига киритилган сар-



УзА фотоси.



ЎзА фотоси.

моя қўшимча қиймат ва иқтисодий ўсишни ҳосил қилади. Шу жиҳатдан, фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш орқали инвестиция фаолиятини ривожлантириш муҳим масала ҳисобланади. «Бугун биз шиддат билан ўзгариб бораётган замонда яшамоқдамиз. Дунё миқёсида манфаатлар кураши, рақобат тобора авж олиб, халқаро вазият кескинлашиб бормоқда»[2]. Бу эса Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнига эга бўлиши ва уни янада юксалтириб бориши осон бўлмаслигини, бунга, албатта, вақт, аниқ мақсадли ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган ислоҳотлар ҳамда инвестициялар талаб этилади. «Ҳозирги ислоҳотлар иқтисодиёт, молия ҳамда ижтимоий сиёсатнинг деярли барча соҳаларини қамраб олади, ислоҳотлар эса сиёсат чоралари ўзгариши, буни амалга ошириш бўйича салоҳиятни кучайтиришни ўз ичига олади»[3]. Ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган салоҳиятни кучайтириш миллий иқтисодиётга инвестицияларни фаол жалб этиш ҳамда уларни самарали ўзлаштиришга асосланади. Бу эса иқтисодиётимизга йўналтирилаётган ҳар 1 сўм инвестиция ислоҳотлар самараси учун муҳим асос бўлиб хизмат қилишини билдиради.

Мамлакатимизда сиёсий ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, хорижий инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кафолатлаш ва кенг имтиёзлар тизимини яратиш ҳозирда юритилаётган оқилона инвестиция сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга қулай шароит яратиш борасида олиб борилган сиёсат ва инвестицияларни жалб қилиш бўйича амалга оширилган дастурлар бу корхоналарнинг фаолияти натижаларига ижобий таъсир этмоқда. Сўнгги йилларда меъёрий-ҳуқуқий қонунчиликни такомиллаштириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш, хорижий сармояларни жалб қилиш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ташкил қилиш мақсадида макроиқтисодий шароитларни яхшилаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Республикада хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини ривожлантириш орқали ички бозор сифатли маҳсулотлар билан таъминланади, бу тадбир корхоналаримизнинг халқаро бозорга чиқишига ёрдам беради. Ҳозирда юртимизда кўплаб хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар тузилмоқда ва улар турли хил тармоқларда фаолият кўрсатмоқда. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонининг ўсиб бориши, энг аввало, мамлакатдаги сиёсий барқарорлик ва инвестиция фао-

---

[2] *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. URL: http://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-olij-mazhlisga-murozhaatnomasi.*

[3] *Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистонда нон ва энергия ташувчилар нархининг ошишига муносабат билдирди. URL: https://kun.uz/news/2018/11/21/.*



ЎзА фотоси.

лиятининг қонуний асослари такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикасини 2017–2021 йилларда бешта устувор йўналиш бўйича ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда молия-кредит тизими самарадорлигини ошириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш, валютани тартибга солишнинг бозор механизмларини босқичма-босқич жорий этиш ва бунда илғор хорижий тажрибаларга таяниб иш кўриш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги «Пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасини яхшилаш учун пул-кредит сиёсатининг мавжуд воситаларини тубдан қайта кўриб чиқиш зарурлиги қайд этилган.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Иқтисодиётни либераллаштириш шароитида макроиқтисодий кўрсаткичлар ҳамда валюта бозори ҳолати устидан тизимли мониторингни амалга ошириш, зарурият туғилганда, миллий валюта ва ички бозордаги нархларнинг барқарорлигини ошириш, макроиқтисодий мувозанатни сақлаш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга йўналтирилган қонунчиликни такомиллаштириш бугунги куннинг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Ўрта муддатли истиқболда инфляциянинг паст ва барқарор даражаси таъминланиши макроиқтисодий мутаносибликнинг муҳим омили бўлиб, мамлакатда ижтимоий ҳолатни яхшилаш, инвестицион фаолликни ривожлантириш ва таркибий ислоҳотларни амалга ошириш учун зарурий шароит яратади.


## ABSTRACTS

### MACROECONOMIC ASPECTS OF THE INVESTMENT POLICY OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Structural transformation of the country's economy, modernization of networks, and implementation of projects on technical and technological renewal for the work done to attract investments deserves special attention. According to the author of article, ensuring political and macroeconomic stability in our country, guaranteeing the protection of the rights of foreign investors and creating a system of broad benefits is one of the priorities of the current investment policy.

# ЎЗБЕКИСТОН ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ДЕПОЗИТ СИЁСАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



*Фаррух Мавлонов,*
*«Қишлоқ қурилиш банк» АТБ «Муаммоли активлар билан ишлаш» бўлими бошлиғи,*
*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси*

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида республикамиз банк тизими бир қатор ютуқларга эришиб келмоқда. Тижорат банклари молиявий барқарор манбалари таркибига уларнинг устав капитали, ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси, муддатли депозитлар, банклараро кредитлар, депозит сертификатлари ва облигациялар ҳисобидан шакллантирилган маблағлар киради.***

Тижорат банклари ресурслари таркибида муддатли депозитлар улушининг ортиб бориши ижобий ҳолат бўлиб, банк узоқ муддатли ресурсларини мустаҳкамлашда ва депозит сиёсатини ишлаб чиқишда асосий эътибор шунга қаратилади. Шунингдек, тижорат банклари ресурслари таркибида қимматли қоғозларнинг эмиссияси ҳисобидан шакллантирилган маблағлар ва устав капитали ҳам барқарор молиявий манба сифатида эътироф этилади.

Ўзбекистон тижорат банклари ресурслари таркибида депозит маблағлари ҳисобидан шакллантирилаётган маблағларнинг улуши халқаро банк амалиётидаги даражадан анча паст. Одатда, халқаро банк амалиётида ушбу кўрсаткич камида 60–65 фоизни ташкил этади. Масаланинг иккинчи жиҳатига эътибор берадиган бўлсак, мамлакатимиз тижорат банклари депозит маблағлари таркибидаги асосий улуш та-



лаб қилиб олингунча сақланадиган депозит маблағлар ҳисобидан шаклланмоқда. Ушбу маблағлар мижознинг топшириғига асосан исталган пайтда банк ҳисобварақларидан чиқиб кетиши мумкин. Демак, тижорат банклари учун ушбу ресурслар муддати жиҳатидан нисбатан беқарор молиявий манба ҳисобланиб, банк ликвидлилигини сақлаб туришга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари муддатли ва жамғарма депозит маблағлари ҳисобидан молиявий ресурсларни шакллантириш амалиётини ривожлантириш ва уларнинг муддатли ҳамда жамғарма депозит операцияларидан манфаатдорлигини янада ошириш мақсадида ушбу ресурс манбалари бўйича ўрнатилган мажбурий захира ажратмаларига Марказий банк томонидан имтиёзлар жорий этилиши мақсадга мувофиқ.

Банк депозит сиёсатининг шаклланишидаги ҳар бир жараён бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, мукаммал депозит сиёсатини ишлаб чиқиш ва банк депозит операцияларини самарали ташкил этиш учун зарур ҳисобланади. Шу муносабат билан, тижорат банклари депозит сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- депозит хавфини камайтириш учун мақсадли бозорларни аниқлаш;
- доимий равишда депозитлар бозорини таҳлил қилиш;
- банк ликвидлигини таъминлаш ва унинг барқарорлигини ошириш;
- депозит ва кредит портфелини бошқаришни оптималлаштириш;
- маблағларни жалб қилиш жараёнида харажатларни камайтириш. Шунингдек, ҳар бир тижорат банки ўзининг самарали ва мукаммал депозит сиёсатини ишлаб чиқиши ва амалга оширишининг асосий мақсади банк харажатларини минималлаштириш ва барча хатарларни ҳисобга олган ҳолда зарур ликвидлилик даражасини сақлаб туришда банк ресурс базасини кўпайтириш ҳисобланади.

Банк депозит сиёсатининг умумий тамойиллари деганда Марказий банкнинг макроиқтисодий даражада пул-кредит сиёсати учун ҳам, ҳар бир тижорат банки сиёсати учун ҳам умумий бўлган тушунчалар назарда тутилади. Булар интеграллашган ёндашув, илмий асосланганлик, мақбуллик ва самарадорлик, шунингдек, банк депозит сиёсатининг барча элементлари бирлиги тамойилларини ўз ичига олади. Интеграциялашган ёндашув банк депозит сиёсатининг назарий асосларини ва устувор йўналишларини ривожлантиришда, шунингдек, уни ривожлантиришнинг энг самарали тактик усулларини аниқлашда намоён бўлади. Банк депозит сиёсатининг ўзига хос бўлган муайян тамойиллари банк харажатларининг мақбул даражасини таъминлаш, депозит операциялари хавфсизлиги ва ишончлилик тамойилларини ўз ичига олади, юқоридаги тамойилларга мувофиқ банк депозит операцияларини таш-






кил этишда ҳам стратегик, ҳам тактик йўналишларни шакллантиришга имкон беради ва шу билан депозит сиёсатининг самарадорлиги ва оптималлаштирилишини таъминлайди. Банк депозит сиёсатининг асосий вазифаси сифатида банкка депозитлар жалб қилиш ва уларни самарали бошқариш масаласи туради. Шу нуқтаи назардан, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан жалб қилинган депозит маблағларининг жорий ҳолати ва динамикасини таҳлил қилиш ҳамда тегишли хулоса чиқариш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Банклар томонидан депозитларни бошқариш жараёнида депозит бозоридаги мавжуд вазият ва депозит бозори таҳлилидан келиб чиққан ҳолда айтишимиз мумкинки, банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлашда банклар томонидан ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий этилаётган депозит сиёсатининг асосий мақсад ва вазифалари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш;
- ресурсларни мақбул муддатлар, шартлар ва баҳоларда жалб қилиш;
- банк актив ва пассивларини самарали бошқариш орқали банкнинг барқарор ресурс базасини мустаҳкамлаш;
- депозитларга хизмат кўрсатган ҳолда банк даромади ва барқарорлигини оширишга эришиш;
- аҳолига янги, жозибадор ва ўзаро манфаатли омонат турларини таклиф қилиш орқали аҳолининг жамғариш ҳамда инвестициялаш жараёнидаги фаоллигини рағбатлантириш.

Шуни айтиш жоизки, тижорат банклари ўз депозит сиёсатини амалга оширишда Марказий банк томонидан ўрнатилган иқтисодий меъёрлар ҳамда мажбурий захиралар бўйича белгиланган ставкалар, қайта молиялаш ставкаси ҳамда солиқ қонунчилигидаги ўзгаришлар, молиявий бозордан маблағарни жалб қилиш ҳамда уларни жойлаштиришнинг жорий ҳолати ва тенденциялари каби омилларни ҳам инобатга олиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ўйлаймизки, тижорат банклари томонидан депозит сиёсатини ишлаб чиқишда юқоридаги таклифларнинг инобатга олиниши келгусида банк депозит базасининг кенгайишига ҳамда банкнинг барқарор фаолият юритишига кенг имконият яратади.

ABSTRACTS

**IMPROVEMENT OF DEPOSIT POLICY OF COMMERCIAL BANKS OF UZBEKISTAN**

The article provides a detailed theoretical and practical study of the main directions of the deposit policy of commercial banks, as well as the processes and principles of its formation. There are also proposals to increase the role of deposit policy in expanding the deposit base of commercial banks.

# БОЖХОНА ТЎЛОВЛАРИДАН БЕРИЛАДИГАН ИМТИЁЗ ВА ПРЕФЕРЕНЦИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИСТИҚБОЛЛАРИ



**Тўлқин Пардаев,**
*и.ф.н., ДБҚнинг Божхона институти «Божхона тартибга солиниши ва божхона тўловлари» кафедраси доценти*

***Мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида уни тартибга солиш халқаро амалиёт меъёрларига ва талабларига тобора яқинлашмоқда. Лицензияланадиган товарлар рўйхати бирмунча қисқарди, рухсат беришлар сони борган сари минимал даражага келтирилмоқда, эркин айирбошланадиган валютага рақобатбардош тайёр миллий маҳсулотларни экспорт қилиш, шунингдек ишлаб чиқариш соҳаси, айниқса экспорт салоҳиятига эга бўлган тармоқларга хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантирувчи имтиёзлар ва преференциялар тизими узлуксиз равишда такомиллаштириб борилмоқда.***



Божхона тўловларидан бериладиган имтиёзлар амалдаги божхона ва солиқ қонунчилигига мувофиқ тақдим этиладиган энг муҳим имтиёз турларидан биридир. Ушбу имтиёзлар турли хил субъектларга турли даврларга берилади ва уларни таъминлаш турли мақсадларни кўзлайди, масалан: ижтимоий, рағбатлантириш ва инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш ва бошқалар. Мамлакатимизда рақобатбардош ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, тадбиркорликни ва соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва рағбатлантириш ҳамда ички бозорни сифатли истеъмол товарлари билан таъминлашга йўналтирилган солиққа тортиш ва божхона-тариф тизимини тартибга солиш самарали тизимини шакллантириш бўйича Ўзбекистон Президенти Ш. Мирзиёевнинг 2019 йил 27 июнь «Солиқ ва божхона имтиёзлари беришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сонли Фармони қабул қилинди. Унда мамлакатимизнинг инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат тамойилларини жорий этишни таъминлаш ҳамда солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини тартибга солиш юзасидан вазифалар белгилаб берилди[1].

*Имтиёзлар – солиқлардан, бошқа мажбурий тўловлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ёки бошқа мажбурий ва қўшимча тўловлардан берилаётган қўшимча ҳуқуқлар, қулайликлар.*

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона тўловларини тўлашда имтиёзлар ва преференциялар беришни иқтисодий нуқтаи назардан таҳлил қилиш ҳамда уларнинг самарадорлигини ошириш йўлларини аниқлаш долзарб масалалардан биридир.

Шу боис биринчи навбатда имтиёз ва преференция тушунчаларининг асосий мазмун-моҳиятига, уларнинг тақдим этилиши сабаблари ва зарурияти нимада эканлигига аниқлик киритиш лозим. Шу жиҳатдан адабиётларда берилган таърифларга эътибор қаратсак. Масалан:

Имтиёзлар – солиқлардан, бошқа мажбурий тўловлардан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ёки бошқа мажбурий ва қўшимча тўловлардан берилаётган қўшимча ҳуқуқлар, қулайликлар[2].

Имтиёзлар – аниқ тоифадаги фуқаролар ёки алоҳида ташкилот, корхона, ҳудудларга тақдим этиладиган қўшимча ҳуқуқлар ва қулайликлардир. Бундай қулайликлар кўпроқ солиқлар ва бошқа

*Имтиёзлар – аниқ тоифадаги фуқаролар ёки алоҳида ташкилот, корхона, ҳудудларга тақдим этиладиган қўшимча ҳуқуқлар ва қулайликлардир. Бундай қулайликлар кўпроқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан ҳамда барча учун умумий бўлган мажбуриятларни бажаришдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш шаклида намоён бўлади. Манзилли (айнан номига кўра) имтиёзлар аниқ шахслар ёки ташкилотларга давлат органлари қарорига биноан тақдим этилади.*

---

[1] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 июнь «Солиқ ва божхона имтиёзлари беришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5755-сонли Фармони.*

[2] *Словарь бизнес-терминов. Составители: Грэхэм Бетс, Барри Брайндли, С. Уильямс и др. Общая редакция: д.э.н. Осадчая И.М., 1998 г. (2020 йил 9 октябрь ҳолатига).*

[3] *Райзберг Б.А., Лозовский Л.Ш., Стародубцева Е.Б. Современный экономический словарь. – 2-е изд., испр. – М.: ИНФРА, 1999. – С. 479.*



мажбурий тўловларни тўлашдан ҳамда барча учун умумий бўлган мажбуриятларни бажаришдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш шаклида намоён бўлади. Манзилли (айнан номига кўра) имтиёзлар аниқ шахслар ёки ташкилотларга давлат органлари қарорига биноан тақдим этилади[3].

Божхона имтиёзлари деганда солиқ ва божхона қонунчилигида белгиланган қоидаларга (эгри солиқларни тўлаш учун имтиёзлар, чет эл шахсларининг айрим тоифалари учун имтиёзлар ва бошқалар) боғлиқ ҳар қандай имтиёзларни ўз ичига олган атама тушунилади. Шу билан бирга, тариф имтиёзи божхона тарифида кўрсатилган божхона божини ундириш муносабати билан имтиёзли солиққа тортишни назарда тутади[4].

Рус олими А.Н. Козирин эса атамага «Тариф преференцияларини бир давлат томонидан бошқа давлатга ўзаро келишув асосида ёки бир томонлама равишда учинчи мамлакатларга берилмасдан қўлланиладиган махсус (имтиёзли) имтиёзлар»[5] деб таъриф беради.

Л.И. Абалкин ўзининг «Иқтисодий энциклопедия» китобида келтиришича, преференция (лотинчадан «praeferentia» – «маъқул кўриш, афзал кўриш») давлат томонидан алоҳида мамлакатнинг бир товари учун ёки маълум бир мамлакатнинг барча товарлари учун белгиланган махсус имтиёзли (ёки афзал) импорт божлари сифатида белгиланади, улар бошқа мамлакатларнинг товарларига тааллуқли бўлмайди[6].

*Имтиёз ва преференциялар берилган муайян афзалликлар, қўшимча ҳуқуқлар бўлиб, шахсни белгиланган қоидаларни, мажбуриятларни бажаришдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ёки уларни амалга ошириш шартларини осонлаштиришни назарда тутади.*

А.П. Джабиев «Преференциялар – бир давлат томонидан бошқа давлатларга ўзаро келишув асосида ёки бир томонлама равишда учинчи мамлакатларга берилмасдан қўлланиладиган махсус имтиёзлар (афзалликлар)дир. Бундай имтиёзлар барча товарларга ёки алоҳида товар-

4 *Дробот Е.В.. Единая система тарифных преференций евразийского экономического союза: особенности функционирования и направления развития. Ж. Российское предпринимательство, №24. 2017 г. (декабрь).*

5 *Козырин А.Н. Комментарий к Закону Российской Федерации «О таможенном тарифе». – М.: Легат, 2007. – С. 277.*

6 *Джабиев А.П. Основы государственного регулирования внешнеэкономической деятельности России. / учебное пособие. – М.: Экономика, 2012. – С. 185–186.*

ларга нисбатан ўрнатилиши мумкин»[7] деб таъриф беради.

Имтиёз ва преференциялар берилган муайян афзалликлар, қўшимча ҳуқуқлар бўлиб, шахсни белгиланган қоидаларни, мажбуриятларни бажаришдан тўлиқ ёки қисман озод қилиш ёки уларни амалга ошириш шартларини осонлаштиришни назарда тутади.

Божхона имтиёзи деганда божхонада ҳуқуқий соҳада амалдаги қоидалардан ҳар қандай озод қилиш ёки қисман озод қилиш (истисно қилиш) тушунилади.

Божхона ишининг қайси соҳасида енгиллаштирувчи, истисно ҳолатини тақдим этишига қараб, божхона имтиёзлари қуйидаги икки тоифага бўлинади:

1. Божхона расмийлаштируви ва божхона назорати учун имтиёзлар;

2. Божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар ва преференциялар.

Биринчи тоифага божхона расмийлаштируви ва божхона назорати жараёнларидаги товарларни дастлабки декларациялаш, даврий божхона декларациясини тақдим этиш, дастлабки қарор қабул қилиш, товарларни шартли чиқариш, товарни ўз омборида вақтинча сақлашга рухсат бериш, божхона кўригидан ва бошқа божхона назорати шаклларидан озод этиш, қисқа декларация тақдим этиш, божхона тўловларини кечиктириб ва бўлиб-бўлиб тўлашга имконият бериш, ваколатли иқтисодий оператор реестрига киритиш кабилар киради.

*1-чизма*

**Тариф имтиёзларини бериш тартиби**




***Манба:** Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 297-моддаси.*

Иккинчи тоифага товарларни олиб киришда импорт божхона божини ундиришда тарифли имтиёзлар ва преференцияларни қўллаш, шунингдек акциз ва қўшилган қиймат солиғидан бериладиган имтиёзлар киради. Тариф имтиёзлари беришдан мақсад, имтиёзлар асосан товарларга ва корхоналарга берилиб, индивидуал характерга эга бўлади.

Республикамизда тариф имтиёзлари ташқи савдо сиёсати амалга оширилаётганда илгари тўланган божхона божини қайтариш, божхона божи ставкасини пасайтириш ва божхона божини тўлашдан озод этиш тарзида берилади (1-чизма).

Тариф преференциялари қуйидаги тарзда берилади:

1. Божхона божларини тўлашдан озод этиш;

2. Божхона божлари ставкаларини камайтириш;

3. Муайян давлатларда ишлаб чиқарилган товарлар-

*2-чизма*

**Тариф преференцияларини бериш тартиби**




***Манба:** Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 300-моддаси.*

---

[7] *Абалкин Л.И. Экономическая энциклопедия. – М.: ОАО «Издательство «Экономика», 2015. – С. 1055.*

*3-чизма*

**Импорт божхона божидан тариф преференцияларини бериш схемаси**




***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 300-моддаси асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.*

ни божхона ҳудудига преференциал олиб кириш ёки ушбу ҳудуддан преференциал олиб чиқиш чоғида квоталар белгилаш (2-чизма).

Тариф преференцияларини беришда Ўзбекистон Республикаси билан энг кўп қулайлик ҳамда эркин савдо режимини қўллайдиган давлатлар ҳисобга олинади ва бу ҳолатда асосий эътибор товарлар ишлаб чиқарилган давлатларга қаратилади, уларда ишлаб чиқарилган товарлар Ўзбекистон Республикасига кириб келишида импорт божхона божидан преференциал тариф қўлланилади (3-чизма).

Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2020 йил 30 июндаги «Энг кўп қулайлик ҳамда эркин савдо режимини яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги битимлар имзоланган давлатлар рўйхатларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 3267-сон билан рўйхатдан ўтган қарорда, Ўзбекистон Республикаси билан энг кўп қулайлик режимини қўллайдиган давлатлар 47тани ҳамда эркин савдо режимини қўллайдиган давлатлар 10тани ташкил этади.

Мамлакатимизда божхона божларини қўллаш тўртта тоифага бўлинади, яъни:

- Ўзбекистон Республикаси билан эркин савдо зонасини ташкил этувчи давлатлардан келган товарлардан ундирилмайди.
- Бож тарифи билан белгиланган ставкалар миқдоридаги божхона божлари – Ўзбекистон Республикаси савдо-иқтисодий муносабатларида энг кўп қулайлик бериш режимини қўллаётган мамлакатларда ишлаб чиқарилган товарларга қўлланилади;
- Савдо-иқтисодий муносабатларда энг кўп қулайлик бериш режими назарда тутилмаган мамлакатларда ишлаб чиқарилган ёхуд ишлаб чиқарилган мамлакати аниқланмаган товарларга нисбатан божхона божларининг ставкалари икки баравар оширилиб қўлланилади.
- Ўзбекистон Республикасида Европа Иттифоқи ва унинг аъзо мамлакатлари билан ўзаро ҳамкорлик ва муносабатлар ўрнатиш тўғрисидаги Битимга асосан мазкур иттифоқ иштирокчилари томонидан ишлаб чиқарилган товарларга нисбатан қўлланиладиган преференциал режим амал қилади.

Хитой давлатида импорт божхона божларини қўллаш ва преференция бериш асосан етти тоифага бўлинган:

- Умумий божхона божлари.
- Энг қулай савдо-сотиқ тартибини яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатларга нисбатан ўрнатилган ставкалар.

*Умумий божхона божлари – Хитой билан келишув имзоламаган давлатлардан ва келиб чиқиш мамлакати номаълум бўлган товарлар импортига нисбатан белгиланган.*

◆ Ўзаро келишилган тариф.

◆ Махсус имтиёзли тариф.

◆ Квота божхона божлари.

◆ Вақтинчалик божхона божлари.

◆ Ахборот технологиялари маҳсулотлари учун божлар[8].

Умумий божхона божлари – Хитой билан келишув имзоламаган давлатлардан ва келиб чиқиш мамлакати номаълум бўлган товарлар импортига нисбатан белгиланган.

Хитойда Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлганлиги сабабли «Энг қулай савдо-сотиқ тартибини яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар» деганда ушбу ташкилотга аъзо мамлакатлар ва Хитой давлати билан шундай битимни имзолаган давлатлар тушунилади, ушбу мамлакатлардан олиб келинадиган товарларга алоҳида ставкалар белгиланган.

Ўзаро келишилган тариф – Хитой билан бошқа давлатлар ўртасида тузилган битимлар ва келишувлар асосида импорт қилинадиган товарларга нисбатан амал қилади.

Бешта махсус иқтисодий зоналар, савдо учун очиқ шаҳарлар ва ташқи савдо зоналари ўзининг ҳудудлари доирасида махсус имтиёзли тариф белгилаган.

Алоҳида товларларнинг импортига нисбатан квота божхона божлари ўрнатилган бўлиб, ҳукумат томонидан белгиланган квота, яъни миқдор доирасида олиб кирилганда энг паст ставка амал қилади. Квотадан ошган импорт товарига нисбатан жўнатувчи ва ишлаб чиқарувчи мамлакатга асосланиб божхона божи белгиланади.

Мисол учун, «юмшоқ буғдой» товари белгиланган квота доирасида олиб кирилса, ушбу товарга нисбатан 1 фоиз божхона божи ундирилади, аммо квотадан ошган тақдирда ушбу товарга, агарда «Энг қулай савдо-сотиқ тартибини яратган ҳолда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланган мамлакатлар» доирасида олиб кирилса, 65 фоиз божхона божи ундирилади, умумий божхона божлари ставкаси эса 130 фоизни ташкил этади.

Хитой ҳукумати ўзининг олиб бораётган солиқ сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва маҳаллий истеъмолчиларни кўпайтириш мақсадида вақ-

*1-жадвал*

**Ўзбекистон Республикасида 2018-2019 йилларда эркин савдо зонаси тўғрисидаги битимга эга давлатларнинг товарларига қўлланилган преференциялар миқдори** (млн. сўмда)

| № | Давлатлар | 2018 йил | 2019 йил |
|---|---|---|---|
| 1 | Арманистон | 125,75 | 569,88 |
| 2 | Беларуссия | 95 931,53 | 431 112,70 |
| 3 | Грузия | 5 012,20 | 12 334,42 |
| 4 | Қозоғистон | 152 087,80 | 105 173,99 |
| 5 | Қирғизистон | 83 553,62 | 48 008,50 |
| 6 | Молдавия | 1 533,61 | 2 214,05 |
| 7 | Озарбайжон | 2 583,88 | 2 768,97 |
| 8 | Россия | 1 167 116,17 | 1 760 545,63 |
| 9 | Тожикистон | 45 676,06 | 29 791,45 |
| 10 | Туркманистон | 25,59 | 3 776,21 |
| 11 | Украина | 72 582,46 | 73 189,60 |
| | **Жами** | **1 626 228,68** | **2 469 485,41** |

***Манба:*** *ДБҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

*2-жадвал*

**Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда божхона тўловларидан бериладиган имтиёзлар акс этган, умумий хусусиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**

| № | Божхона тўловлари турлари | Имтиёзлар жорий этилган қонун ҳужжати |
|---|---|---|
| 1 | Божхона расмийлаштируви учун божхона йиғимидан бериладиган имтиёзлар | Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, 299-модда |
| 2 | Импорт божхона божидан бериладиган имтиёзлар | Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, 297-модда |
| 3 | Тариф преференцияларини бериш | Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси, 300-модда |
| 4 | Акциз солиғидан бериладиган имтиёзлар | Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 284-модда |
| 5 | Қўшилган қиймат солиғидан бериладиган имтиёзлар | Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, 246-модда |

***Манба:*** *Муаллиф томонидан меъёрий ҳужжатлар асосида тайёрланган.*

[8] *Божхона тизимида тариф сиёсатини амалга оширишда Хитой давлатининг тажрибаси. Таҳлилий материал. 17.10.2019 й.*

тинчалик божхона божларини белгилаб туради.

Ахборот технологиялари маҳсулотлари учун божлар – Жаҳон савдо ташкилоти шартномасига мувофиқ қўлланилади. Агар юқори технологияли товарлар ишлаб чиқариш учун ахборот технологиялари маҳсулотлари олиб кирилса, имтиёзли божлар қўлланилади.

Шунингдек, Хитой ҳукумати томонидан бошқа божхона божлари белгиланиши мумкин. Одатда, бундай божлар энг юқори ставкада белгиланиб, ички бозорини ҳимоя қилиш, антидемпинг ва бошқа иқтисодий чораларга жавобан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида 2018–2019 йилларда эркин савдо зонаси тўғрисидаги битимга эга давлатларнинг товарларига қўлланилган преференциялар миқдорини таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йилда жами 1,6 трлн. сўмдан зиёд преференция қўлланилган, шундан Россияда ишлаб чиқарилган товарларга 1,1 трлн. сўмдан зиёд преференция қўлланилган, бу эса жами эркин савдо зонаси тўғрисидаги битимга эга давлатларнинг товарларига қўлланилган преференцияларнинг 73,4 фоизини ташкил этган. 2019 йилда бу кўрсаткич 2,4 трлн. сўмни ташкил этиб, Россияда ишлаб чиқарилган товарларга мос равишда 1,7 трлн. сўмни ва Россия давлати ҳиссасига 71,5 фоизни ташкил этган. Бу борадаги энг паст кўрсаткичлар Арманистон, Молдавия, Туркманистон давлатлари ҳиссасига тўғри келган (1-жадвал).

Барча имтиёзларнинг умумий мақсади – тўловчининг мажбуриятини камайтириш ҳисобланади. Божхона тўловлари бериладиган имтиёзлар ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг молиявий харажатларини сезиларли даражада камайтирадиган, савдо ҳажмига ва божхона тўловларини давлат бюджетига ўтказишга таъсир кўрсатадиган, шунингдек мамлакатнинг инвестиция жозибадорлигини амалга оширишга кўмак берадиган имтиёзларнинг асосий турларидан биридир.

Имтиёзлар – Ўзбекистон Республикасининг амалда бўлган қуйидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига асосан қўлланилади:

- Халқаро келишувлар.
- Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва Кодекслари.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, божхона тўловлари тўлашдан озод қилиш бўйича имтиёзлар амалдаги қонунчилигимизда тартибга солинишидан келиб чиққан ҳолда, иккита йўналиш бўйича, яъни:

❖ умумий хусусиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар;

❖ индивидуал хусусиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Умумий хусусиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича божхона тўловларидан имтиёзлар халқаро битимлар, Ўзбекистон Республикасининг Божхона ҳамда Солиқ кодекси асосида қўлланилиб, улар билан белгиланган имтиёзлар муддатсиз характерга эга.

*4-чизма*

**Божхона тўловларидан имтиёз бериш мақсадлари чизмаси**




**Манба:** *Муаллиф томонидан меъёрий ҳужжатлар асосида тайёрланган.*

*1-диаграмма*

**Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2010–2019 йилларда давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари ва улардан берилган имтиёзлар** (трлн. сўмда)




***Манба:** ДБҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

Индивидуал хусусиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан божхона тўловларидан имтиёзлар аксарият ҳолларда маълум бир соҳани, фаолият турини ёки ташкилотни (ва ҳ.к.) ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони, қарори ва фармойишлари асосида берилади.

Чет давлатларда, жумладан Евроосиё божхона иттифоқига аъзо давлатларда ушбу иттифоқ «Божхона кодексининг 74-моддасида божхона тўловларидан имтиёзлар қуйидаги тартибда берилиши белгилаб қўйилган:

- тариф преференциялари;
- тариф имтиёзлари;
- солиқларни тўлашда бериладиган имтиёзлар;
- божхона йиғимларини тўлашда бериладиган имтиёзлар»[9].

Ўзбекистон Республикасига товарларни импорт қилишда божхона тўловлари турлари бўйича имтиёзлар қуйидаги умумий хусусиятга эга бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида берилади (2-жадвал).

Божхона имтиёзлари ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хомашё ва материалларни харид қилиш, киритилган инвестицияларни қоплаш мақсадида берилади (4-чизма).

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари 2010–2019 йилларда 6,8 мартага ошган ва улардан берилган имтиёзлар 11,03 мартага ошган (1-диаграмма).

2019 йилда республикамизда божхона тўловларидан берилган имтиёзлар давлат бюджетига ўтказилган маблағлар ҳажмидан 3,5 мартага кўп эканлигини кўришимиз мумкин.

2010–2019 йилларда божхона тўловларидан берилган имтиёзлар ҳисобланган божхона тўловлари таркибида 71.1 фоиздан 77,7 фоизга, аксинча, давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари улуши 28,8 фоиздан 22,3 фоизга тушганини кўришимиз мумкин (2-жадвал).

2019 йилда жами божхона тўловлари таркибида қўшилган қиймат солиғи 78,5 фоизни, импорт божхона божи 13,5 фоизни, акциз солиғи 4,6 фоизни, бошқа тўловлар 3,4 фоизни ташкил этган. 2014 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 56,1, 23,4, 17,1 ва 3,4 фоиз бўлган.

Божхона органлари томонидан 2018–2019 йилларда божхона тўловлари кесимида берилган имтиёзларнинг улушини таҳлил қиладиган бўлсак, 2018 йилда қўшилган қиймат солиғига – 66,70 фоиз, импорт божхона божига – 28,09 фоиз, акциз солиғига – 5,10 фоиз, божхона йиғимлари ҳиссасига – 0,01 фоиз

[9] *Н.В. Коник, Е.В. Невешкина. Таможенное дело. Учебное пособие. – М.: Издательство «Омега-Л». 2012 г. – С. 204.*

*3-жадвал*

**Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан 2011–2019 йилларда ҳисобланган божхона тўловлари таркибида қўлланилган имтиёзлар ва давлат бюджетига ўтказилган маблағларнинг ҳиссаси** (фоизда)

| Йиллар | Ҳисобланган божхона тўловлари | Берилган имтиёзлар | Давлат бюджетига ўтказилган божхона тўловлари |
|---|---|---|---|
| 2010 | 100 | 71.1 | 28.9 |
| 2011 | 100 | 68,7 | 31,3 |
| 2012 | 100 | 67,6 | 32,4 |
| 2013 | 100 | 69,9 | 30,1 |
| 2014 | 100 | 67,4 | 32,6 |
| 2015 | 100 | 65,7 | 34,3 |
| 2016 | 100 | 70,4 | 29,6 |
| 2017 | 100 | 75,0 | 25,0 |
| 2018 | 100 | 80,9 | 19,1 |
| 2019 | 100 | 77,7 | 22,3 |

***Манба:*** *ДБҚ маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.*

тўғри келган. 2019 йилда бу кўрсаткичлар мос равишда 62,40, 32,29, 5,30 ва 0,01 фоиз бўлган. Бу даврда импорт божхона божидан тариф преференциялари имтиёзлари кўпаяётганлигини ҳамда қўшилган қиймат солиғидан берилаётган имтиёзлар камаяётганлигини кўришимиз мумкин (2-диаграмма).

Божхона тўловлари бўйича берилаётган имтиёзлар миқдорлари бу йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича, вилоятлар, корхоналар, товарлар кесимлари бўйича фарқ қилади.

Божхона соҳасида божхона тўловлари бўйича берилаётган имтиёзларни қўллашда қуйидаги камчиликлар учрайди:

◆ товарларни ТИФ ТН код рақамларини имтиёз берилаётган товарлар код рақамларига ўзгартириш орқали расмийлаштириш;

*2-чизма*

**Тариф преференцияларини бериш тартиби**




***Манба:*** *Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 300-моддаси.*

◆ товарлардан имтиёз берилган мақсадда фойдаланмай, тижорат мақсадида сотиб юбориш;

◆ имтиёз берилган товарларни расмийлаштиришда ҳужжатларни сохталаштириш;

◆ имтиёз берилган товарларнинг нархини сунъий равишда ошириш ҳолатлари.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, божхона тўловларидан берилаётган имтиёз ва преференциялар самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

■ Ўзбекистон Республикаси эркин савдо зонаси тўғрисидаги битимга эга давлатлар орасида 2019 йилда 2та давлат, яъни Қирғизистон ва Тожикистон билан фаол ташқи савдо балансига эга. Қолган ҳамкор давлатлар билан ўтган йилда баланс нофаол бўлгани кузатилган. Тариф преференциялари самарадорлигини ошириш ва юқоридаги қолган ҳамкор давлатлар билан фаол ташқи савдо балансига эришиш учун мамлакатимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилган шу турдаги товарларни четдан олиб келишда давлатларга квота белгилаш таклиф этилади.

■ Товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назоратининг самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг «Товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона назорати» номли 201-моддасининг иккинчи қисмини «Товарлар чиқариб юборилганидан кейинги божхона




назорати ҳамда божхона тўловларини қўшимча ҳисоблаш товарларнинг божхона назорати остида бўлиши туга-ган пайтдан эътиборан уч йил (амалда 1 йил) ичида амалга оширилиши мумкин» деб ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

- Мамлакатимизда божхона божларини қўллаш тоифаларини янада такомиллаштириш, жумладан айрим давлатларда ишлаб чиқарилган товарлардан импорт божхона божини ундиришда ва преференция беришда Хитой тажрибасининг қуйидаги айрим тоифаларини қўллаш тавсия этилади:
- Махсус имтиёзли тариф;
- Квота божхона божлари;
- Вақтинчалик божхона божлари.

Республикамизда божхона тўловларидан берилган имтиёзлар давлат бюджетига ўтказилган маблағлар ҳажмидан 3,5 мартага кўп эканлигини, бу эса импорт ҳажми кўпаяётганлигига ижобий таъсир этаётганлигини ва бу ҳолат ташқи савдода салбий сальдога олиб келаётганлигини кўришимиз мумкин. Республикамизда импорт товарларини оптималлаштириш ва рақобат муҳитини яхшилаш, миллий товарларнинг чет элларда харидоргирлигини ошириш мақсадида божхона тўловларидан имтиёзлар бериш механизмининг хусусий-манзилли турини эмас, умумий – товарларга нисбатан қўллаш механизмини жорий қилиш тавсия этилади. Бу эса ташқи иқтисодий фаолият субъектлари тенглигини таъминлаб, улар орасида соғлом рақобатни вужудга келтиришга олиб келиб, мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, юқоридагиларни инобатга олиб, божхона тўловларидан берилаётган имтиёзлар бўйича меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш божхона тўловларидан бериладиган имтиёз ва преференциялар самарадорлигини ошириб, божхона тўловларидан давлат бюджетига тушадиган маблағлар миқдори янада ошишига олиб келади ҳамда мамлакатимизда иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштириш жараёнларини янада тезлаштиради ҳамда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришга замин яратади.

**ABSTRACTS**

**PROSPECTS FOR THE APPLICATION OF BENEFITS AND PREFERENCES FROM CUSTOMS DUTIES**

The article reveals the essence of the benefits provided for customs payments and their role in the development of our country. The benefits provided by customs authorities from customs payments are analyzed, and proposals and recommendations to improve their efficiency are given.




# БОЖХОНА ХИЗМАТЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА ОБЪЕКТИВ ЗАРУРАТИ

***Нодирбек Мирзаев,***
*Давлат божхона қўмитаси Божхона институти «Ўқув-услубий ва тадқиқот фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими» иш юритувчиси*

***Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, интеграция жараёнлари ривожланишининг юқори барқарор суръатларини таъминлаш, иқтисодий ресурсларни мақбул тақсимлаш, меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларига инновацияларни жорий этишни фаоллаштириш имконини беради.***

Ўзбекистон Республикаси учун жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувнинг энг мақбул шаклларидан бири халқаро савдода иштирок этишдир. Ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири ТИФ субъектларига товарларни ошкора, прогноз қилинадиган ва тезкор сотиб олиш ёки сотиш имконини берадиган самарали фаолият кўрсатувчи божхона тизимини яратишдир. Ҳақиқатан ҳам, фаолият самарадорлиги юқори бўлмаган божхона тизими мамлакатнинг ички ва ташқи савдосини ривожлантиришга катта тўсқинлик қилиши мумкин.

Мамлакатимизда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари (кейинги ўринларда – божхона органлари) фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2020–2023 йилларда божхона маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5582-сонли Фармони ижроси юзасидан ишлаб чиқилди[1]. Булар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида божхона хизматининг аҳамияти ва зарурати тобора ортиб бораётганлигини яна бир бор исботламоқда.

*Ривожланишнинг энг муҳим омилларидан бири ташқи иқтисодий фаолият субъектларига товарларни ошкора, прогноз қилинадиган ва тезкор сотиб олиш ёки сотиш имконини берадиган самарали фаолият кўрсатувчи божхона тизимини яратишдир.*

Божхона хизматлари тўғрисида фикр юритишдан олдин, авваламбор, хизмат тушунчаси ва унинг ҳам давлат, ҳам юридик шахслар нуқтаи назаридан талқин этилишига эътибор қаратсак мақсадга мувофиқ бўлади. Таърифга кўра, «Давлат хизмати – давлат органларининг ваколатлари бажарилишини таъминлаш бўйича касбий фаолият»[2]. Таъкидлаш жоизки, Давлат божхона органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар бу ижтимоий хизматлар тоифасига киради. Зеро, «ижтимоий хизматлар деганда фуқароларнинг барча ижтимоий ҳуқуқ, манфаат ва эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, давлат, хусусий ва нодавлат секторлари томонидан пуллик, қисман пуллик ёки беғараз кўрсатиладиган хизматлар мажмуасига айтилади. Ижтимоий хизматлар аҳоли барча қатламларининг муносиб турмуш тарзини таъминлаш, инсон капитали ривожланишига хизмат қилади. Ижтимоий хизмат, аввало, талаб ва таклифдан келиб чиқади. Ижтимоий хизматга талабнинг кўплиги хизматлар бозорида янги субъектларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Улар бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, ўзи кўрсатадиган ижтимоий хизматларини пуллик ёки бепул асосда ташкил этиши мумкин»[3].

Авваламбор, Давлат хизмати тушунчасининг мазмунан ва моҳиятан ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бироқ, фикримизча, Давлат божхона хизмати тушунчасининг талқинига икки тарафдан қараш зарур. Биринчидан, Давлат божхона органлари ҳақида ходимларнинг хизматни ўташи нуқтаи назаридан мулоҳаза юритиш мумкин бўлса, иккинчидан, унга Давлат божхона органлари ходимлари томонидан ТИФ субъектларига кўрсатилаётган божхона хизматлари нуқтаи назаридан ёндашиш мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги 2018 йил 18 октябрдаги ЎРҚ-502-сон Қонунида божхона органларида давлат хизматчисининг божхона хизматини ўташи нуқтаи назаридан умумий тартиб-қоидалар назарда тутилган бўлса, божхона органлари томонидан ТИФ субъектларига нисбатан божхона тартиб-таомилларини бажаришга қаратилган хизматлар Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси ва бошқа ички идоравий нормативларда ўз аксини топган.

«Божхона хизматлари» атамасининг жуда кўп талқинлари

*[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмат органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 05.06.2020 й. ПФ-6005-сонли Фармони.*

*[2] https://www.lex.uz/dictionary? ?word=ДАВЛАТ%20ХИЗМАТИ.*

*[3] Эрназаров Д.З. «Ижтимоий хизмат тушунчасининг илмий талқини ва таснифи», илмий мақола. https://www.researchgate.net/publication/340091198_IZTIMOIJ_HIZMAT_TUSUNCASINING_ILMIJ_TALKINI_VA_TASNIFI.*

*1-жадвал*

**«Божхона хизмати» тушунчаси мазмунига илмий ёндашувлар**

| № | Ёндашувлар | Унинг мазмуни |
|---|---|---|
| 1 | Неоклассик | Божхона фаолияти шаклидаги ижтимоий-иқтисодий фойда. |
| 2 | Институционал | Давлат ва ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун ташқи иқтисодий фаолият соҳасининг истеъмол фойдасини ошириш мақсадида махсус божхона институтлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар ёки ҳаракатлар кетма-кетлиги. |
| 3 | Функционал, маъмурий | Божхона органларининг ўз вазифаларини амалга ошириш бўйича маъмурий фаолияти йўналиши. |
| 4 | Когнитив ёндашув, динамик ёндашув | Жамиятда, ТИФда индивидуал ва жамоавий, хусусий ва жамоатчилик манфаатлари мувозанатига эришиш йўналиши. |

***Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.*

мавжуд. Бир қатор муаллифлар: И.С.Ермилов, Ю.Э.Гупанова, И.А.Гриннинг, Р.В.Федоренко, Г.В.Элова, О.В.Гречкина, В.В.Наумоваларнинг фикрича, божхона хизматлари – божхона органларининг божхона назорати ва ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш билан боғлиқ фаолияти, мамлакатнинг иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилиш; яна бир гуруҳ бошқа муаллифлар уни амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ айрим давлат ваколатларини амалга оширишда божхона хизматининг вазифаларини бажаришга қаратилган фаолият сифатида талқин этишади.

Шундан хулоса қилиш мумкинки, меъёрий ҳужжатлар таҳлили асосида божхона соҳасидаги маълумотлар базасида божхона хизматлари рўйхати келтирилган, аммо уларнинг ўзига хос хусусиятлари етарлича батафсил берилмаган. Шунга кўра, ҳозирги вақтда божхона хизматларининг ягона таърифи мавжуд эмас.

«Божхона хизмати» тоифасини аниқлашга оид илмий ёндашувлар қуйида келтирилган (1-жадвал).

Шундай қилиб, Ермилов И.С. «божхона хизмати»га ташқи иқтисодий операцияларни амалга оширишда ёрдам беришга қаратилган фаолиятнинг ўзига хос тури, деб таъриф беради.

Ю.Э.Гупанова «божхона хизмати»ни давлат функцияларини амалга ошириш ва ТИФ иштирокчиларининг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган божхона иши соҳасидаги ҳаракатлар ва чора-тадбирлар мажмуаси сифатида белгилашни таклиф қилган[4].

И.А. Гриннинг фикрига кўра, «божхона хизматлари деганда давлатнинг иқтисодий хавфсизлигини ҳимоя қилиш, миллий иқтисодиётнинг манфаатларини таъминлаш ва ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган махсус турдаги хизматлар»[5] тушунилади. Бунда у иқтисодий хавфсизликни таъминлашда божхона хизматларининг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратган, аммо уларнинг ТИФ иштирокчилари эҳтиёжларини таъминлашда тутган ўрнини акс эттирмаган.

Р.В.Федоренко «божхона хизматлари – товарлар ва транспорт воситаларини давлатларнинг божхона чегаралари бўйлаб товарларни сотувчидан харидорга ушбу давлатларнинг талабларига мувофиқ тарғиб қилишда ҳаракатланишини таъминлаш учун божхона органлари томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар мажмуи»[6] дея изоҳ беради.

*Меъёрий ҳужжатлар таҳлили асосида божхона соҳасидаги маълумотлар базасида божхона хизматлари рўйхати келтирилган, аммо уларнинг ўзига хос хусусиятлари етарлича батафсил берилмаган. Шунга кўра, ҳозирги вақтда божхона хизматларининг ягона таърифи мавжуд эмас.*

[4] *Гупанова Ю.Г. Понятия «таможенная услуга», «качество таможенной услуги»: проблемы определения//Актуальные проблемы экономики и права. 2010, №4. – С. 205-207.*

[5] *Гринь И.А. Проблемы совершенствования качества услуг, предоставляемых таможенными органами//Академический вестник Российской таможенной академии. 2013, №1 (14). – С. 110-114.*

[6] *Федоренко Р.В. Развитие аутсорсинга услуг в таможенной сфере: дис. ... канд. экон. наук. – Самара, 2008. – С. 34.*

Г.В.Элова қуйидаги таърифларни таклиф қилади: «божхона хизматлари – божхона иши соҳасидаги ҳаракатлар ва чора-тадбирларнинг натижаси бўлиб, у давлат ва ТИФ қатнашчиларининг эҳтиёжларини қондиришга, божхона хизматларининг қонунийлиги, барқарорлиги ва назоратлилиги тамойилларини амалга оширишни кафолатлашга, узоқ муддатли истиқболга йўналтиришга, ТИФ иштирокчилари ва давлат тузилмаларининг божхона тартибга солиш соҳасидаги ҳамкорлигини шакллантиришга қаратилган»[7].

О.В.Гречкина ва С.А.Агамагомедова ТИФ соҳасида ва ташқи савдо фаолияти иштирокчилари истеъмол фойдалилигини ошириш мақсадида талабнома илтимосига кўра махсус божхона воситалари томонидан амалга ошириладиган маъмурий фаолият сифатида муддатли «божхона хизмати»[8], дея талқин этади.

В.В.Наумова, «божхона хизмати – божхона расмийлаштируви билан боғлиқ жараён, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига божхона органлари томонидан тақдим этилган хизмат сифати», деб ҳисоблайди.

В.Ю.Дианова ва В.В.Макрусеванинг фикрига кўра, божхона хизмати кенг ва тор маънода кўриб чиқилиши мумкин. Кенг маънода божхона хизмати – бу божхона фаолияти шаклидаги ижтимоий-иқтисодий фойда; божхона назорати ва тартиби. Юқоридаги муаллифлар таъкидлашларича, мазкур ҳолатда божхона хизматлари иқтисодий хавфсизликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни самарали ривожлантиришни таъминловчи энг муҳим омиллардан биридир.

Тор маънода, божхона хизмати – ташқи иқтисодий фаолият самарадорлигини ошириш учун тегишли божхона воситалари ёрдамида амалга ошириладиган кетма-кет ҳаракатлар йиғиндисидир[9].

Юқорида келтирилган муаллифларнинг аксарияти Ф.Котлер хизматларини таснифлаш асосида божхона хизматларининг қуйидаги хусусиятларини аниқлайди:

1. **Номувофиқлик.** Бошқа турдаги хизматлар сингари, божхона хизматлари ҳам номоддий, яъни уларни кўриш, татиб кўриш ва ҳ.к. мумкин эмас. Истеъмолчи унга кўрсатилган хизмат натижасини кўриши мумкин.

2. **Манба ажралмаслиги.** Маҳсулотдан фарқли ўларок, хизматни тақдим этадиган манбадан ажратиш мумкин эмас – бу ҳар қандай қурилма ёки шахс бўлиши мумкин.

3. **Сифатнинг беқарорлиги.** Божхона хизматида кўп ҳолларда инсон омили устун бў-



[7] Элова Г.В. Тенденции развития системы таможенных услуг и организационно-экономические факторы ее совершенствования: дис. ... канд. экон. наук. – Ростов н/Д, 2008. – С. 56.

[8] Гречкина О.В., Агамагомедова С.А. Государственные таможенные услуги: понятие, базовые характеристики, виды// Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. – 2016. №3 (39). – С. 17-31.

[9] Макрусева В.В. Анализ финансово-хозяйственной деятельности таможенных организаций: учебно-методич. пособие. – М.: РИО РТА, 1999. – С. 144.

либ чиқади, шунинг учун кўплаб ташқи омилларга боғлиқ ва унинг сифати сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин.

**4. Ҳимоя қилиш мумкин эмас.** Божхона хизматини сақлаш мумкин эмас. Масалан, божхона расмийлаштируви, маслаҳат бериш, божхона декларациясини тўлдириш ва ҳ.к. хизматларини олдиндан амалга ошириш мумкин, бироқ бу кўплаб омилларга, хусусан, товарларнинг ўзига хос хусусиятларига, талабга, Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа мамлакатларнинг божхона қонунчилигида ўзгарувчанликка боғлиқ[10].

Фикримизча, бу хусусиятлар қуйидаги фикрлар билан тўлдирилиши керак:

**1. Хизматни истеъмол қилиш мажбурияти.** Чакана савдо каби кўплаб хизматлар ихтиёрийдир, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун божхона хизматларидан фойдаланиш эса мажбурий шартдир. Бироқ истиснолар мавжуд – турли брокерлик ташкилотлари томонидан тақдим этилган божхона хизматлари истеъмол учун ихтиёрийдир.

**2. Хизматни истеъмол қилишдан ажратмаслик.** Хизмат ҳар қандай маҳсулотни мамлакат чегараси орқали кўчириш фактидан кейин тақдим этилади. Кўчириб ўтишдан олдин, одатда, дастлабки божхона тартиб-қоидалари йўқ.

Н.Р. Раджабованинг сўзларига кўра, «божхона хизматлари – божхона органлари ва божхона иши соҳасида фаолият юритувчи шахслар томонидан товарларнинг ва транспорт воситаларининг давлатларнинг божхона чегаралари орқали ҳаракатланишини таъминлаш мақсадида товарларни сотувчидан харидорга ушбу давлатларнинг талабларига мувофиқ амалга ошириладиган ҳаракатлари ҳисобланади»[11].

Ушбу таъриф «божхона хизматлари» иқтисодий тоифасининг мазмунини тўлиқ очиб беради.

Ўрганилган адабиётлар асосида қуйидаги хулосаларни чиқариш мумкин:

- божхона хизматлари божхона органлари томонидан амалга оширилади;
- ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари хизматлар истеъмолчилари ҳисобланадилар;
- божхона хизматлари мамлакатнинг божхона қонунчилигига, шунингдек божхона операциялари билан боғлиқ бошқа давлатларга мувофиқ амалга оширилади.

«Божхона хизмати» атамасининг алоҳида талқинлари иловада келтирилган.

Божхона хизматларининг моҳиятини янада чуқурроқ очиб бериш мақсадида «хизмат» тоифасининг мазмунини кўриб чиқиш тавсия этилади.

П.А.Кошелнинг иқтисодий луғатида хизмат икки жиҳатдан талқин этилади:



10 Котлер Ф. Маркетинг и менеджмент: экспресс-курс. 2-е изд. / пер. с англ. под ред. С. Г. Божук. – СПб.: Питер, 2006 г. – С. 304.

11 Раджабова Н.Р. дисс. канд. экон. наук 08.00.05 «Организационный механизм развития оказания услуг по таможенной экспертизе товаров при проведении таможенного контроля». – Душанбе, 2015 г. – С. 16.

*2-жадвал*

**«Хизмат» ва «божхона хизмати» тушунчаларининг қиёсий таҳлили**

| Хизмат | Божхона хизмати |
|---|---|
| Фаолият (ёки ўзаро таъсирнинг натижаси) | Фаолият |
| Бошқа (ёки мижоз ва етказиб берувчига нисбатан бир объект) | Божхона органлари товарларни божхона чегараси орқали олиб ўтадиган ТИФ қатнашчиларига нисбатан |
| Олдиндан белгиланган ва келишилган шартларга мувофиқ | Божхона органлари томонидан белгиланган ваколатлар доирасида |
| Муайян натижага эришишга қаратилган | ТИФ иштирокчилари, жамият (товарлар истеъмолчилари) эҳтиёжларини қондиришга қаратилган |
| Моддий ифода ва номоддий ифода бўлиши мумкин | Моддий ифода ва номоддий ифода бўлиши мумкин |
| Одатда, мукофот учун амалга оширилади | Бепул ёки ҳақ олинади (вазифа) |

***Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.*

- юридик ва жисмоний шахсларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хўжалик юритувчи субъектнинг ноишлаб чиқариш фаолияти натижаси;
- хизмат – бу онгли равишда, ундан фойдаланиш эвазига, истеъмолчи томонидан тўлов қилишга тайёр бўлган ҳолат натижасидир[12].

Тадқиқот методологияси божхона хизматларининг иқтисодий моҳияти ва аҳамиятини ёритиш, Ўзбекистонда божхона хизматларини кўрсатиш ва уларни кенгайтиришнинг объектив заруратини очиб беришга асосланган. Шунингдек, мазкур методологиянинг асосини инновацион божхона хизматларини Ўзбекистон божхона органлари амалиётига жорий этиш бўйича назарий қарашлар, маҳаллий ва хорижлик олимларнинг олиб борган илмий ишлари натижалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат божхона хизматига оид фармон ва қарорлари ташкил этади. Шу билан бирга, у илғор хориж тажрибасига таянган ҳолда, божхона хизматларининг фойдали жиҳатларини амалиётга киритишда катта туртки бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан ушбу тадқиқотнинг методологик жиҳати мамлакатимизда божхона хизматларининг иқтисодий моҳияти ва объектив зарурати ҳамда амалиётини ривожлантириш ғояларини амалиётга жорий этиш йўлларини асослашдан иборат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хизматнинг қуйидаги белгиларини ажратиш мумкин:

- ноишлаб чиқариш фаолияти натижаси;
- субъектларнинг эҳтиёжларини қондиришга хизмат кўрсатиш йўналиши;
- номоддий ифода шакли;
- хизмат натижаларининг мукофотланиши.

Хизмат бўйича алоҳида муаллифлар муайян натижани олиш учун мижоз ва етказиб берувчининг ўзаро ҳамкорлиги жараёни фикрини илгари суришади.

Фикримизча, кўриб чиқилган ёндашувлар божхона хизматларининг мазмунини тўлиқ ёритиб бермайди, чунки улар субъектларнинг ўзига хос хусусиятларини ва божхона хизматларининг натижаларини, уларни тақдим этиш учун махсус воситалар мажмуасини ҳисобга олмайдилар.

Таҳлил қилинган тушунчалар ўртасидаги муносабатлар (2-жадвал).

2-жадвалда келтирилган тушунчаларнинг мазмуни ўхшашлигига қарамасдан, улар субъектларнинг ўзига хос хусусиятлари ва натижаси билан ажралиб туради.

Фикримизча, божхона хизматлари халқаро шартномалар ва миллий божхона қонунчилиги доирасида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш учун божхона технологиялари, процедуралар, операциялар ва бошқа воситалар ёрдамида амалга ошириладиган ва ижобий таъсирга қаратилган фаолиятдир.

Бундан ташқари, божхона хизматларининг ягона таснифи мавжуд эмас.

М.В.Бойкова хизматларни тақдим этиш манбасига қараб ажратади:

[4] *Словарь-справочник: экономика, внешняя торговля, выставки/авт.-сост. П.А. Кошель. – М.: О-во СЛН, 2012 г. – С. 344.*

*3-жадвал*

**Божхона хизматларини таснифлаш**

| Мезонлар | Божхона хизматлари турлари |
|---|---|
| Соҳасига қараб хизмат кўрсатиш | • умумий (универсал);<br>• махсус |
| Божхона хизматини олувчи субъектга қараб | • божхона иши соҳасида фаолият юритаётган шахслар учун хизматлар;<br>• ҳуқуқ эгалари учун хизматлар;<br>• божхона операциялари бўйича мутахассис мақомини олишни истаган жисмоний шахслар учун хизматлар;<br>• бошқа манфаатдор шахслар учун хизматлар. |
| Хизмат ҳақи | • пуллик;<br>• бепул. |
| Божхона хизмати кўрсатиш бўйича маъмурий тартиб-таомилга қараб | • электрон шаклда тақдим этилади;<br>• босма оммавий ахборот воситаларида;<br>• бундай механизм тақдим этилмаган хизматлар. |

***Манба:** муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.*

1) божхона хизмати субъектлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар: божхона декларациясини қабул қилиш; олдиндан хабардор қилиш ва маслаҳат бериш; божхона назорати; божхона омборларида товарларни сақлаш.

2) чекланган институтлар томонидан амалга ошириладиган хизматлар: товарларни декларация қилиш, ахборот ва маслаҳат бериш, логистика хизматлари[13].

О.В.Гречкина ва С.А.Агамагомедовалар томонидан божхона хизматларининг таснифи қуйидагича тартибда бўлишини таклиф қиладилар (3-жадвал).

С.И.Хикматов, Р.К.Раджабовлар эса божхона органлари томонидан кўрсатиладиган қуйидаги божхона хизматларини кўрсатиб ўтади:

- божхона органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар;
- ахборот, ташкилий, молиявий, савдо ва бошқа хизматлар[14].

И.С.Ермилов божхона хизматларини 1-чизмада кўрсатилган тўртта мезон бўйича таснифлайди[15].

Кўриб чиқилган таснифлашлар жуда батафсил, бироқ, фикримизча, улар божхона хизматларининг айрим муҳим турларини акс эттирмайди. Шу боис О.А. Старковнинг таснифи энг мақбулдир:

1. Хизмат кўрсатувчи провайдер турига қараб:

- божхона органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар;
- божхона иши соҳасида амалга ошириладиган, шахслар томонидан кўрсатиладиган хизматлар.

2. Хизматлар учун ҳақ тўлаш асосида:

- бепул тақдим этиладиган хизматлар;
- ҳақ эвазига кўрсатиладиган хизматлар.

3. Хизматлар мажбуриятлари асосида:

- мажбурий хизматлар;
- муқобил хизматлар.

4. Хизматлар манзили асосида:

- шахсий хизматлар;
- шахссиз хизматлар[16].

Ушбу таснифни қуйидаги хусусиятлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Фаолият хусусиятига мувофиқ:

- асосий хизматлар (божхона расмийлаштируви, божхона кўригини ўтказиш ва бошқалар);
- қўшимча хизматлар (масалан, брокерлик хизматлари, транзакцияларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш ва бошқалар).

Тақдим этиш шаклида:

- хизмат кўрсатишнинг анъанавий шакли;
- рақамли форматда тақдим этиладиган хизматлар (электрон форматга ўтказилган ва интернет тармоғи ёрдамида етказиб берилган).

Хизматлар амалга ошириладиган бозорга қараб:

---

[13] Бойкова М.В. Зарубежный опыт таможенного администрирования // Монография. Государственное казенное образовательное учреждение высшего образования «Российская таможенная академия». – Москва, 2017 г. – С. 11.

[14] Раджабов Р.К., Хикматов С.И. Таможенная система: состояние, проблемы и инновационное развитие. Монография / Р.К. Раджабов, С.И. Хикматов. – Душанбе: Сумани Кудрат, 2012 г. – С. 192.

[15] Ермилов И.С. Повышение качества таможенных услуг: дисс. канд. экон. наук: 08.00.05 – Саратов. – 2011 г. – С. 56.

[16] Старкова О.А. Дисс. канд. экон. наук – 08.00.05 «Управление качеством таможенных услуг». – Саратов, 2007 г. – С. 24.

*2-чизма*

**Ўзбекистон Республикаси божхона хизмати томонидан кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари (ишлар бажарилиши)**




***Манба:** Муаллиф томонидан меъёрий хужжатлар асосида тайёрланган.*

❖ ички бозордаги хизматлар (божхона, божхона воситачилари ушбу мамлакат қонунчилигига, шунингдек, давлат томонидан берилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга мувофиқ хизматлар кўрсатади);

❖ ташқи бозордаги хизматлар (хизматлар чет элда божхона фаолияти билан шуғулланиш ваколатига эга бўлган вакиллар орқали амалга оширилади).

Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан кўрсатиладиган хизмат турлари 2-чизмада келтирилган.

«Божхона хизмати» тоифасининг моҳиятини очиб беришга ягона ёндашувни ишлаб чиқиш уларни тақдим этиш сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Пуллик божхона хизматларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда, бу эса божхона хизматларининг юқори талаблари ва унинг мураккаблиги билан боғлиқ.

## ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Божхона вакилларининг хизматлари корхоналарга харажатларни камайтириш, товарлар чегарадан ўтаётганда юзага келадиган турли хавфларни (молиявий, обрўси, суд ва б.) камайтириш имконини беради.

Айниқса, ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналар учун бошқа мамлакатлардан хомашё, материаллар ва бошқа товарларни етказиб беришнинг тезкорлиги ва узлуксизлиги, шунингдек, ўз вақтида экспорт қилиш жуда муҳимдир.

Шунинг учун божхона хизматлари юқори сифатга мос келиши, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари учун вақт ва харажатлар бўйича мақбул бўлиши керак.

**ABSTRACTS**

**ECONOMIC SIGNIFICANCE AND OBJECTIVE NEED OF CUSTOMS SERVICES**

The article reveals the importance of economic services provided by customs authorities and identifies problems related to their objective necessity, as well as develops scientific proposals and recommendations aimed at solving these problems.

# БОЖХОНА АУДИТИДА ИМПОРТ ТОВАР-МОДДИЙ ЗАХИРАЛАР ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТЕКШИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

*Мунаввар Каримжонова,*
*Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти «Иқтисодий фанлар» кафедраси катта ўқитувчиси*

***Бугун мамлакатимиз «Янги Ўзбекистон» номига мос равишда ривожланишнинг янги уфқлари томон одимламоқда. Президентимиз таъбири билан айтганда, «Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор қўйилмоқда»[1]. Бу борада мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида кўплаб чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва имкониятлар яратилмоқда.***

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз иқтисодиёти юксалишида божхона тизимининг ўзига хос ҳиссаси бўлиб, айниқса ташқи иқтисодий фаолият субъектларига божхона расмийлаштируви жараёнида уларга қулайликлар яратиш ҳамда божхона расмийлаштирувини соддалаштириш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, божхона органларида Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ҳамда божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришни тақозо этмоқда.

## ИЛМИЙ АДАБИЁТЛАР ШАРҲИ

Бугунги кунда мамлакатимизда божхона ва солиқ соҳасида олиб борилаётган туб ислоҳотлар замирида тадбиркорлик субъектларига улар фаолиятини янада ривожлантириш юзасидан қўшимча қулай шарт-шароитлар яратиш, инвестицион жозибадорликни таъминлаш, назорат турларини қисқартириш, божхона ва солиқ сиёсатига оид миллий қонунчиликни халқаро нормативлардан келиб чиққан ҳолда соддалаштириш ва уларга кўмаклашиш каби олий устувор мақсадлар ётибди.

Маълумки, божхона органларининг асосий мақсадлари мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга қаратилган бўлиб, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан божхона чегараси орқали товарлар ва транспорт воситаларини олиб ўтиш, товарларни ташиш, сақлаш ва қайта ишлашда божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши ҳамда унинг бузилиши ҳолатларига чек қўйиш, божхона тўловлари ўз вақтида ва тўғри тўланишини таъминлаш ҳамда иқтисодий сиёсат чораларига, яъни божхона режимларининг талаблари ва шартларига риоя этилишини таъминлашдан иборатдир[2].

[1] *Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. https://kun.uz/news/2020/08/31/.*



*Божхона органларида Жаҳон савдо ташкилоти, Жаҳон божхона ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг стандартлари ва тавсияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштириш ҳамда божхона тартиб-таомилларини соддалаштиришни тақозо этмоқда.*

Бу борада ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан божхона қонунчилигига риоя этилиши ва инсофли тадбиркорларни рағбатлантириш, улар учун маъмурий тўсиқларни камайтириш, божхона тартиб-таомилларини соддалаштириш, божхона органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, бизнесни ривожлантириш йўлида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўплаб Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 ноябрдаги «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5582-сон Фармонига асосан Хавфни бошқариш автоматлаштирилган тизими фаолият бошлади[3]. Бунга кўра, божхона тизими амалиётида:

«сариқ йўлак»да божхона декларацияси, ҳужжатлар ва маълумотларни текшириш бўйича божхона назорати шакллари хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан, «қизил йўлак»да эса божхона назорати шакллари хавф даражаси юқори кўрсаткичга эга ёки тасодифий танловда аниқланган товар ва транспорт воситаларига нисбатан амалга оширилиб келинмоқда;

2019 йил 1 мартдан бошлаб эса:

«яшил йўлак»да хавф даражаси паст бўлган товар ва транспорт воситаларини чиқариб юбориш тўғрисидаги қарор қабул қилинганда, божхона назорати шакллари уларга нисбатан қўлланилмаётганлиги, «кўк йўлак»да эса хавф даражаси ўрта кўрсаткичга эга ёки тасодифий танлов асосида аниқланган товарларга нисбатан божхона назорати шакллари улар

---

2 *Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. ЎРҚ-400-сон. 2016 йил 20 январь. https://lex.uz/docs/2876354.*

3 *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини такомиллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5582-сон Фармони. https://lex.uz/docs/4076899.*



*Илк бор Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тузилмасида умумий штат бирликлари доирасида Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бош бошқармаси этиб қайта ташкил қилинди.*

чиқариб юборилгандан сўнг амалга оширилиши назарда тутилганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бунда айнан «кўк йўлак» тизимининг жорий этилиши божхона аудити механизмини ишга тушириш заруратини юзага келтиради. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4812-сон Қарорига[4] асосан, божхона органларига:

- давлат харидлари доирасида етказиб берилаётган импорт товарлари нархлари мониторингини «таҳлика-таҳлил» усуллари, шунингдек, «кўзгули статистика» маълумотларидан фойдаланган ҳолда кучайтириш ҳамда сезиларли фарқ ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар ой Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигига тақдим этиши;
- божхона омборларида сақланаётган, муддати уч ойдан ошган товарларнинг номенклатураси ва ҳажми тўғрисидаги маълумотларни давлат буюртмачилари кесимида ҳар ойда Вазирлар Маҳкамаси ва Давлат активларини бошқариш агентлигига тақдим этиши ҳамда ўзининг расмий сайтида эълон қилиши зарурлиги вазифалари белгиланди.

Шунингдек, ушбу қарор билан 2021 йил 1 январдан «Ўзстандарт» агентлиги билан биргаликда божхона органлари зиммасига хорижий мамлакатларда хавфли маҳсулотлар ҳақида тезкор хабар бериш, ахборот тизимига киритилган маҳсулотларни «эркин муомалага чиқариш учун» божхона режимига расмийлаштиришга тақиқ киритиш ҳамда товарлар нархининг пасайтириб олиб кирилишига йўл қўймаслик бўйича юкланган функция ва вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш ҳам юклатилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, тизимда божхона аудитини тўлақонли ишга туширишга бўлган эҳтиёж, зарурат тобора ортиб бормоқда. Шу сабаб, фикримизча, тезроқ унинг ички идоравий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва амалиётга татбиқ этиш зарур.

Шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация тех-

[4] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4812-сон Қарори. https://lex.uz/ru/docs/4964633.*

*1-чизма*

**Молиявий назорат шакли сифатида божхона аудити ва умумий аудит қиёси**




**Манба:** *муаллиф томонидан тузилган.*

нологияларидан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолияти самарадорлигини оширишга ҳам аҳамият қаратиш жоиз. Бу борада «қоғозсиз ва электрон божхона»нинг мантиқий давоми ва ривожланиши бўлган «рақамли божхона»ни шакллантириш, божхона иши соҳасидаги умумэътироф этилган халқаро меъёр ва стандартларни миллий қонунчиликка имплементация қилишни жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 июндаги «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6005-сон Фармони қабул қилинди[5]. Ушбу Фармонга асосан божхона назорати шакли сифатида товарлар чиқариб юборилгандан кейин ТИФ иштирокчиси фаолиятини баҳолаш ҳамда уларнинг товарлар ва транспорт воситалари чиқариб юборилгандан кейинги ҳисобини текширишни назарда тутувчи божхона аудитини амалга ошириш вазифаси белгиланди.

Илк бор Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тузилмасида умумий штат бирликлари доирасида Контрабанда ва божхона қонунчилиги бузилишига қарши курашиш бошқармаси Контрабандага қарши курашиш ва божхона аудити бош бошқармаси этиб қайта ташкил қилинди.

Шу ўринда божхона аудити тушунчасини ёритиш мақсадга мувофиқ, деб биламиз. Бунинг учун эса аввал молиявий назорат тушунчасига тўхталиб ўтиш жоиздир. Бунда божхона аудитига молиявий назоратнинг ҳам шакли, ҳам тури сифатида қараш мумкин. Бугунги кунда нафақат мамлакатимизда, балки бутун дунёда назоратнинг, айниқса, молиявий назоратнинг янгидан-янги, иқтисодий тежамкор ва самарали шаклларини яратиш ҳамда амалдагиларини такомиллаштириш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Натижада молиявий назоратнинг мақсади, вазифалари ва шакллари тубдан ўзгариб бормоқда.

Шу боис, молиявий назорат шакли бўлган аудит ва божхона аудити тушунчаларига маҳаллий олимлар томонидан билдирилган ушбу фикр-мулоҳазаларни келтириш жоиз. З.Т.Маматов «молиявий назоратни бозор иқтисодиётининг муҳим элементларидан бири сифатида эътироф этиб, молиявий назоратни амалга ошириш субъектлари, тизим нуқтаи назаридан, иккига: Давлат молиявий назорати ва аудиторлик фаолияти»[6]га ажратади. В.Ш.Нуритдинова, М.А.Шарапова «Молиявий назоратнинг субъекти назоратни олиб борувчи органлар ҳисоб-

[5] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2020 йил 5 июндаги ПФ-6005-сон Фармони. https://lex.uz/docs/4844615.*

[6] *З.Т.Маматов, С.Ў.Нажбиддинов. Аудит. Ўқув қўлланма. – Т.: «Sano-Standart» нашриёти, 2014 й. – 264 б.*

*Божхона тўловлари бўйича имтиёзлар тўғри қўлланилганлигини ҳамда фойдаланиши чекланган товарлар ишлатилганлиги ёки улардан мақсадли фойдаланганлиги бухгалтерия ҳисоби дастлабки ҳужжатларидаги маълумотлар билан таққослаш орқали таҳлил қилинади.*

ланади»[7], дея фикр билдиришади.

Шунингдек, А.Туйчиев, И.Қўзиев ва О.Машариповлар эса молиявий назоратнинг соҳалари бўлган мустақил молиявий назорат шакли сифатида бухгалтерия ҳисоби ва аудитнинг ўрни ҳамда уларнинг ўзига хос фарқли жиҳатларини очиб берганлар[8]. Ш.Ў.Азизов божхона тизимида молиявий назорат сифатида божхона аудитининг ўрни ва аҳамияти ҳамда уни ташкил этишнинг зарурияти, методологиясини такомиллаштиришга[9] эътибор қаратган ва Ўзбекистон божхона тизимида божхона аудитини ўтказишнинг замонавий механизмини яратиш бўйича тадқиқотлар олиб борган.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, бизнингча, божхона аудити хусусиятларига кўра умумий аудитдан фарқ қилади (1-чизма).

## ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Маълумки, ташқи савдо билан шуғулланаётган ташқи иқтисодий фаолият субъектлари божхона расмийлаштируви жараёнида божхона тўловлари учун давлат бюджетига тўланиши зарур бўлган маблағлар бўйича хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисоби ва тегишли ҳисобот ҳужжатларида акс эттиради. Демак, камерал ёки сайёр аудитни танлаш асосида божхона аудитини ўтказиш орқали текширилаётган субъектнинг импорт қилинган товар ва транспорт воситалари бўйича амалга оширган фаолияти, яъни импорт қилинган товар-моддий захираларга нисбатан преференциялар тўғри қўлланилганлигини, ташқи иқтисодий фаолият товар номенклатураси бўйича белгиланган товар коди, маълум қилинган божхона қийматининг ҳамда тўланган божхона тўловларининг тўғрилиги ва ҳаққонийлигига баҳо берилади. Шунингдек, божхона тўловлари бўйича имтиёзлар

*1-жадвал*

**Божхона аудити бошқармасининг ҳуқуқ ва вазифалари**

| Ҳуқуқлари | Вазифалари |
|---|---|
| ● товар ва транспорт воситалари устидан улар сақланадиган ва сотиладиган жойларга чиққан ҳолда божхона аудитини амалга ошириш;<br>● олиб кириладиган ва (ёки) олиб чиқиладиган товарлар ва транспорт воситалари ҳисоби, жумладан бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи ҳужжатлари, шунингдек, дастлабки ҳужжатлар юритилиши устидан текширувни амалга ошириш. | ● товарларни божхона режимларига жойлаштириш фактини текшириш;<br>● божхона юк декларацияси ва божхона кирим ордерида кўрсатилган маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларда қайд этилган маълумотлар билан таққослаш ва текшириш;<br>● товарларга нисбатан преференциялар тўғри қўлланилганлиги, божхона тўловлари тўлиқ ундирилганлиги, шунингдек, божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва валютани тартибга солиш талабларининг бузилиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ ҳужжатларни текшириш ва ўрганиш;<br>● божхона тўловларини тўлаш бўйича имтиёзлар тўғри қўлланилганлиги ва товарларнинг божхона қиймати тўғри аниқланганлигини текшириш;<br>шартли равишда чиқариб юборилган товарларни тасарруф этиш бўйича чекловларга риоя этилишини текшириш;<br>● товарларнинг божхона расмийлаштирувида тақдим этилган ҳужжатларни таҳлил қилиш ва текшириш;<br>● ТИФ товар номенклатураси бўйича товарларнинг тўғри таснифланганлиги ва божхона расмийлаштируви тўғри амалга оширилганлигини текшириш;<br>● божхона соҳасида фаолият олиб борувчи шахслар томонидан божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган мажбуриятларнинг бажарилишини текшириш;<br>● божхона операцияларини амалга оширишда ноқонуний («кулранг») схемаларни аниқлаш ва бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳамда уларга чек қўйиш бўйича профилактика ишларини ўтказиш. |

***Манба:** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-6005-сон Фармони. 2020 йил 5 июнь.*

[7] *В.Ш.Нуритдинова, М.А.Шарапова. Молиявий назорат. // Ўқув қўлланма. – Т.: «Igtisod-moliya», 2014 й. – 344 б.*

[8] *А.Туйчиев, И.Қўзиев, О.Машарипов. Аудит. Дарслик. – Т.: «Iqtisod-Moliya», 2019 й. – 416 б.*

[9] *Ш.Ў.Азизов. Божхона аудитини ташкил этиш ва ўтказиш: назария ва амалиёт. Монография. – Т.: «Igtisod-moliya», 2018 й. – 184 б.*

# Ўзбекистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан савдо алоқалари

## январь–сентябрь 2020 й.




Марказий Осиё давлатларининг ташқи савдодаги улуши




Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо айланмаси (млн. АҚШ доллари)




Савдо айланмасининг ўсиш суръатлари










*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида (https://review.uz/).*

тўғри қўлланилганлигини ҳамда фойдаланиши чекланган товарлар ишлатилганлиги ёки улардан мақсадли фойдаланганлиги бухгалтерия ҳисоби дастлабки ҳужжатларидаги маълумотлар билан таққослаш орқали таҳлил қилинади.

Бу борадаги ишларни амалга ошириш учун эса божхона органлари тизимида ташкил этилган божхона аудити бош бошқармасининг ҳуқуқ ва вазифалари белгиланди[10] (1-жадвал).

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кирилаётган товар ва транспорт воситаларидан ўз фаолиятларида фойдаланишлари учун уларнинг бухгалтерия ҳисобида тўғри акс эттирилиши, дастлабки ҳужжатларда ўз вақтида кирим қилинганлиги ҳисоби ҳамда назоратини олиб бориш ўта муҳим. Бу борада Ўзбекистон Республикасига импортёрлар томонидан 2015–2019 йиллар давомида олиб кирилган товар ва транспорт воситаларининг динамик ўзгаришини қуйида кўриш мумкин (2-жадвал).

Демак, юқоридаги маълумотларга кўра Ўзбекистон Республикасига импорт қилинган товар ва транспорт воситалари миқдори 2015 йилга нисбатан 2019 йилда 11 875,7 млн. АҚШ долларига, 2018 йилга нисбатан эса 4 853,0 млн. АҚШ долларига ошган ҳамда ушбу товарлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишда фойдаланилган, молия-хўжалик фаолиятида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларида акс эттирилган.

Фикримизча, божхона аудитида ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг молия-хўжалик фаолиятида дастлабки бухгалтерия регистрларини олиб кирилган товарларнинг миқдори ва қиймати билан солиштириш усуллари механизмини ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун бухгалтерия ҳисобининг товар ва транспорт воситалари кирим ва чиқими ҳисоби тўғрисидаги ҳужжатлар керак бўлади. Шу боис божхона аудити томонидан бухгалтерия ҳужжатлари асосида товарларнинг ТИФ субъектлари томонидан тўғри кирим қилинганлиги, ҳақиқатда мавжудлиги ва ишлаб чиқаришда мақсадли фойдаланилганлиги бўйича маълумотларни солиш-

*2-жадвал*

**Ўзбекистон Республикаси импортининг динамикаси** (миллион АҚШ доллари)

| Код ҚҚИТ | ҚҚИТ тоифаларининг номланиши | 2015 й. | 2016 й. | 2017 й. | 2018 й. | 2019 й. |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **100** | **Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар** | **1 435,7** | **1 321,2** | **1 134,4** | **1 413,2** | **1 787,5** |
| 110 | Хомашё | 367,7 | 375,8 | 342,4 | 492,3 | 716,3 |
| 120 | Қайта ишланган | 1 068,1 | 945,5 | 792,0 | 920,8 | 1 071,2 |
| **200** | **Бошқа тоифаларга киритилмаган ишлаб чиқариш учун бирламчи маҳсулотлар** | **3 347,6** | **3 326,8** | **4 135,9** | **5 674,4** | **7 303,5** |
| 210 | Хомашё | 180,9 | 246,4 | 300,7 | 381,2 | 590,2 |
| 220 | Қайта ишланган | 3 166,7 | 3 080,4 | 3 835,2 | 5 293,2 | 6 713,2 |
| **300** | **Ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари** | **725,6** | **587,6** | **720,9** | **866,7** | **873,2** |
| **400** | **Асосий воситалар (транспорт воситаларидан ташқари) ва улар учун бутловчи қисмлар ва мосламалар** | **3 249,2** | **3 502,1** | **3 481,4** | **5 365,8** | **7 313,0** |
| 410 | Асосий воситалар (транспорт воситаларидан ташқари) | 2 448,8 | 2 903,4 | 2 899,5 | 4 579,6 | 6 151,4 |
| 420 | Бутловчи қисмлар ва мосламалар | 800,4 | 598,7 | 581,8 | 786,2 | 1 161,6 |
| **500** | **Транспорт воситалари ва уларга эҳтиёт қисмлар** | **1 596,5** | **1 433,4** | **1 478,7** | **2 794,2** | **3 005,0** |
| 510 | Енгил автомобиллар | 120,4 | 193,0 | 155,2 | 319,0 | 440,0 |
| 520 | Бошқалар | 245,8 | 411,8 | 277,1 | 748,9 | 1 130,8 |
| 530 | Эҳтиёт қисмлар ва мосламалар | 1 230,3 | 828,6 | 1 046,3 | 1 726,3 | 1 434,2 |
| **600** | **Бошқа тоифага кирмайдиган истеъмол товарлари** | **1 090,7** | **1 155,1** | **1 078,6** | **1 186,6** | **1 542,6** |
| **700** | **Бошқа тоифага киритилмаган товарлар** | **17,3** | **2,3** | **5,3** | **11,5** | **41,7** |
| **800** | **Хизматлар** | **954,1** | **809,2** | **1 977,2** | **2 127,0** | **2 425,9** |
| | **ЖАМИ** | **12 416,6** | **12 137,6** | **14 012,4** | **19 439,3** | **24 292,3** |

***Манба:*** *https://stat.uz/uz/180-ofytsyalnaia-statystyka-uz/6567-tashqi-iqtisodiy-faoliyat.*

[10] *Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Божхона маъмуриятчилигини ислоҳ этиш ва Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2020 йил 5 июндаги ПФ-6005-сон Фармони. https://lex.uz/docs/4844615.*

# Ўзбекистоннинг ташқи савдоси

## январь–сентябрь 2020 й.

**Мамлакатлар гуруҳлари бўйича савдо** *(млрд. АҚШ доллари)*

| ЕОИИ | МДҲ | Бошқа давлатлар | ЕИ |
|---|---|---|---|
| 6,9 | 8,4 | 19,1 | 2,9 |

савдо ҳажми **27,5** млрд. АҚШ долл.

54,6% — **ИМПОРТ 15,0**

45,4% — **ЭКСПОРТ 12,5**

**Савдо динамикаси**

| | Сентябрь 2020 й. | Сентябрь 2019 й. |
|---|---|---|
| Савдо ҳажми | 88,0% | 135,5% |
| Импорт | 83,5% | 131,5% |
| Экспорт | 94,0% | 141,2% |

## Савдо таркиби *(млн. АҚШ доллари)*

| | Савдо ҳажмидаги улуши | импорт | экспорт |
|---|---|---|---|
| Озиқ-овқат маҳсулотлари | 9% | 1 466,0 | 986,8 |
| Кимёвий маҳсулотлар ва буюмлар | 11% | 2 466,7 | 636,9 |
| Энергия ва нефть маҳсулотлари | 4% | 729,7 | 492,0 |
| Металлар ва металл буюмлар | 8% | 1 279,6 | 856,6 |
| Машина ва ускуналар | 24% | 6 444,1 | 278,0 |
| Хизматлар | 8% | 841,5 | 1 481,1 |
| Бошқа товарлар | 14% | 1 791,2 | 1 935,3 |

Олтин экспорти — 21% — 5 804,4

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида (https://review.uz/).*

42682
Тафаккур



*2-чизма*

**ТИФ субъектида товар-моддий захираларни текширишда фойдаланиладиган бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари манбалари**




***Манба:*** *Бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.*

тириш ва таҳлил қилишда бухгалтерия реестрларидан фойдаланиш жараёнини 2-чизмада кўриш мумкин.

## ТАКЛИФ, ТАВСИЯ ВА ХУЛОСАЛАР

Хулоса қилганда, мамлакатнинг туризм ва инвестицион жозибадорлигини ҳамда экспорт салоҳиятини ошириш, шунингдек импортни оптималлаштириш шароитида божхона органларининг фискал функцияси – божхона тўловларининг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланишини текширишда, ТИФ иштирокчилари томонидан божхона қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни амалга оширишда божхона аудити муносиб ўринга эга.

Фикримизча, юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқиб, божхона органларига Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажаришида тизимда жорий йилда ташкил қилинган божхона аудити механизми ўзининг дастлабки натижаларини беради. Бунинг учун, албатта, уни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги меъёрий-ҳуқуқий асосларни тезкор тарзда қабул қилиш, шунингдек, божхона аудитида қўлланиладиган усуллар, товар-моддий захиралар божхона аудитини ўтказишда бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисобот ҳужжатлари ва маълумотларидан фойдаланиш механизмларини ишлаб чиқиш зарур.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, божхона аудити тушунчаси божхона соҳасидаги янги атамалардан бири бўлиб, ушбу тушунча негизида замонавий божхонанинг келажагини кўриш мумкин. Мазкур тушунча ва бу бўйича яратилаётган тизим ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантиришда, божхона тўловларининг давлат бюджетига тўлиқ ҳамда ўз вақтида ундирилишида, энг асосийси, ҳалол ва қонунга итоаткор ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларининг кўпайишида муҳим таянч вазифасини ўтайди.

Божхона расмийлаштируви соддалаштирилган ҳолда амалга оширилгандан сўнг тадбиркорлар божхона имтиёзларидан қай мақсадларда фойдаланаётганлигини божхона аудити томонидан мониторинг қилиб бориш имкони яратилади. Божхона аудити орқали имтиёзлар ҳамда преференцияларнинг доимий мониторинг қилиб борилиши эса монополияга қарши курашда энг асосий воситалардан бири бўлиб қолади.

**ABSTRACTS**

**SOME ASPECTS OF VERIFICATION OF IMPORT COMMODITY AND MATERIAL RESERVES ACCOUNTING AND REPORTING DOCUMENTS IN CUSTOMS AUDIT**

The author of this article considers customs audit as one of the main factors in the development of customs administration and increasing investment in the country. The article discusses in detail the use of primary accounting documents to verify the correctness of the application of customs benefits and preferences.

*Ойлик илмий-амалий иқтисодий журнал*

# БПК

**БОЗОР, ПУЛ ва КРЕДИТ**

**РЫНОК, ДЕНЬГИ и КРЕДИТ**

*Ежемесячный экономический научно-практический журнал*




Обуна индекси: **853**

Сизни қизиқтирган барча саволларга таҳририятнинг қуйидаги телефон рақамлари орқали батафсил маълумот олишингиз мумкин:

**(+998)71-234-91-13;**
**(+998)94-677-78-04**

**ОБУНА УШБУ ТАШКИЛОТЛАР ОРҚАЛИ РАСМИЙЛАШТИРИЛСА, ТАҲРИРИЯТ ЖУРНАЛНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ:**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ**
АЖ «ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ҲУДУДИЙ ФИЛИЛИАЛЛАРИДА
АЖ «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» ҲУДУДИЙ ФИЛИЛИАЛЛАРИДА

**БУХОРО ВИЛОЯТИ**
«INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ**
«MATBUOT TONGI» МЧЖ – 91-599-58-98

**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ**
«INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ**
«INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ**
«СИРДАРЁ МАТБУОТ ХИЗМАТИ» – 97-277-27-72

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ**
«SURXON MATBUOT NASHRLARI» МЧЖ – 91-586-70-00

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ**
«KALEON INFORM» МЧЖ – 71-267-18-94
«ТОШКЕНТ МАТБУОТ МЕДИА» – 97-156-22-77
«INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ**
«INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70
«ТОШКЕНТ ЖАҲОН ЗИЁ» – 97-922-02-33

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ, НАМАНГАН ВИЛОЯТИ, АНДИЖОН ВИЛОЯТИ**
«INFORM POCHTA» МЧЖ – 71-237-08-70
«САЙЁР – 2017» МЧЖ – 99-990-61-01

**«БПК» журналига 2021 йил учун обунани бугуноқ расмийлаштиринг. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва молия, уларнинг ривожланиши ва истиқболлари борасида бир қадам олдинда юринг!**

Хизматлар лицензияланган

www.bpk.uz

42682
Тафаккур

